Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

11 АВГУСТ, ЧОРШАНБА № 156 (651). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

• *Иқтисодий ислоҳот*

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРТА ВА КИЧИК БИЗНЕС ТАРАҚҚИЁТИ ЖАМҒАРМАСИ ТУЗИЛДИ

Тошкентда Ўзбекистонда ўрта ва кичик бизнес тараққиёти жамғармасининг таъсис йиғилиши бўлди. Йиғилишда республика вазирликлари ва идоралари, акционерлик жамиятлари ва ассоциацияларининг вакиллари, ишбилармонлар иштирок этдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т. М. Мирёқубов бошқарди. Жамғарма Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан бунёд бўлганини, Президент ҳам, республика ҳукумати ҳам ишбилармонликни тараққий эттиришга катта аҳамият бераётганликлари таъкидланди. Давлат ҳозирда ишлаб турган ва янги очиладиган шахсий корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун 500 миллион сўм ажратди.

Таъсис йиғилишида жамғарманинг низоми тасдиқланди, шунингдек республика меҳнаткашларини иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни ўтказиш ишида фаол иштирок этишга даъват этувчи мурожаатнома қабул қилинди. Жамғарма бошқаруви ва унинг раиси сайланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг халқ истеъмол моллари, савдо ва пуллик хизмат бўлими бошлиғининг ўринбосари А. Мансуров раис бўлди.

Ўзбекистонда ўртача ва кичик бизнес тараққиёти жамғармаси республикамизнинг барча вилоятларида, шунингдек, МДҲ мамлакатларида ҳам ваколатхоналарини очиши назарда тутилган. Жамғарма ҳузурида суғурта компанияси ҳам бунёд қилинади. Бу ташкилот Ўзбекистонда хусусий мулкчилик тараққиётига ҳисса қўшадиган хорижий сармоядорларни ҳам кўплаб жалб қилишига шубҳа йўқ.

(ЎзА мухбири).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сессияси олдидан

Сайловчиларга икки савол

1. Кун тартибидаги қайси масалалар кўпроқ эътиборингизни тортади?

2. Сессиядан қандай умидларингиз бор?

Тожихон МЕЛИБОЕВА, Зангиота туманидаги «Мустақиллик» жамоа хўжалиги раиси:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессияси муҳокамасига қўйилган масалалар билан танишиб чиқдим. Шубҳасиз қабул қилиниши керак бўлган қонунларнинг ҳаммаси жумҳуриятимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётни юксак поғонага кўтаришда муҳим аҳамиятга эга. Кун тартибидаги масалалар ичида, айниқса, «Фуқаролларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси диққатимни тортди. Мен унинг моддаларини таҳлил қилиш ва ўзгартишлар киритиш керак, деган фикрдан узоқман. Чунки бу мажмуа лойиҳаси менга тўласинча маъқул келди.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясидан ҳамма қатори менинг ҳам умидларим катта. У, шак-шубҳасиз, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга катта улуш қўшади.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Фарғона вилояти фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 июнда бўлиб ўтган йиғилиши ҳамда Республика Президенти Ислом Каримовнинг ана шу йиғинда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокими М. Исломовнинг маърузаси тингланди. Маърузачи ва сўзга чиққан нотиқлар вилоятда ислоҳотни амалга ошириш борасида эришилган ютуғи, мавжуд камчиликлар ҳақида фикр юритдилар. Бу борада аҳволни яхшилашга алоқадор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков нутқ сўзлади.

Н. СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

* * *

Наманган вилояти фаоллари йиғилишида ҳам ана шу масала муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев ярим йиллик иш якунлари ҳақида маъруза қилди. Сўзга чиққан нотиқлар жойларда ислоҳот қандай бораётганлиги хусусида муҳокама юритиб, бу борадаги аҳволни атрофлича таҳлил этдилар.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов нутқ сўзлади.

Р. ИРИСОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Республикамиздаги кўп тармоқли жамоа ва давлат хўжаликларида чорвачиликни рентабелли соҳага айлантириш учун кураш уларнинг доимий дастури ҳисобланади. Кўпчилик хўжаликларда чорвачилик тўла рентабеллашмаган бўлса-да, ўз юнини ўзи кўтариш даражасида ишлашга муваффақ бўлишмоқда. Афсуски, кўп жойларда чорвачилик пахтакорлар «боқимандаси» ҳолатидан қутула олганлари йўқ. Энг ёмони чорвачиликка нисбатан ҳали эсиича ёндошаётган, унга иккинчи даражали соҳа сифатида муносабатда бўлаётган жамоалар оз эмас.

Маълумки, чорвачиликда ем-хашак муаммоси ҳал бўлмас экан, уни ривожлантириш, маҳсулдорликни ошириш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Пахтакор туманидаги «Наабаҳор» давлат хўжалигида шу туфайли ҳам моллариннг тўйимли емиши бўлган маккажўхори ўстириш ва ундан юқори ҳосил етиштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Хўжалик маккажўхорикорлари бу йил ҳар гектар ҳисобига 50 центнердан қаҳрабо дон йиғиб олиш учун курашмоқда. Барча агротехник тадбирларни юқори савияда ўтказишаётган деҳқонларнинг далаларида бўлиб сўталар етилмоқда.

СУРАТДА: илғор суғвчи Улуғбек Иброҳимов.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

Тошкентда Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигини байрам қилишга тайёргарлик ва уни ўтказиш республика ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ҳокимликларнинг масъул раҳбарлари қатнашдилар. Мажлисни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилот комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков бошқарди.

Республика Мустақиллиги куни умумхалқ байрами экани, унга пухта тайёргарлик кўриш зарурлиги таъкидланди. Барча масъул ижрочилар топширилган вазифаларни тадбирлар режасига мувофиқ, муддатида бажаришлари лозим. Тошкент марказини ободонлаштириш, Амир Темур, Мирзо Улуғбек ҳайкалларини ўрнатиш ана шундай тадбирлардандир. Байрамгача пойтахтдаги меҳмонхоналарни тартибга келтириш, қишлоқ хўжалик ва саноат ярмаркаларини пухта ташкил этиш муҳимдир. Шу билан бирга, Мустақиллик кунини кўчалар, хиёбонлар ва истироҳат боғларини безашдан ташқари, ҳар бир иш жойида ғоят унумли меҳнат билан кутиб олиш лозим.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари К. Тўлаганов иштирок этди.

(ЎзА мухбири).

Ўзбек—япон «давра суҳбати»

Самарқандда Японияниг Ўзбекистондаги элчихонаси ва республика Ташқи ишлар вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон-Япония «давра суҳбати»ида қатнашчиларининг биринчи йиғилиши бўлди. Икки мамлакат вакиллари ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўллари ва соҳаларини ижодий муҳитда, эркинлик вазиятида муҳокама қилдилар.

Японияниг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Кодзи Хино бу учрашувни ташкил этгани учун Самарқанд ҳокимлиги ва ишбилармонлар уюшмасига миннатдорчилик билдириб, учрашувнинг амалий омилкорлик тусида ўтаётганини таъкидлар экан, Ўзбекистон аҳолисининг ҳамкорликка тайёрлигини минтақанинг кенг халқаро ҳамкорлик учун ажойиб имкониятларини ҳам юқори баҳолади. Бу ерда мавжуд бой маъдан — хомашё захиралари, меҳнат ресурслари ва бошқа имкониятлар асосида саноати ривожланган мамлакатларда тайёрланаётган барча турдаги маҳсулотларни — нинадан тортиб самолётларгача ишлаб чиқариш мумкин, деди у. Бироқ, бу ерга молиявий, технологик, ақлий маҳсулларини самаралироқ жалб этиш учун Япония бўлажак фаолиятнинг биргаликдаги лойиҳалари ва ластурларини чуқурроқ ва пухтароқ ишлаб чиқиши лозим бўлади.

— «Сони» ва «Панасоник» фирмалари бизни Япония бизнеси билан таништирди, — деди Самарқанд ишбилармонлар уюшмасининг Президенти Фарҳод Аҳмаджонов учрашув якунларини шарҳлар экан. — Ҳозир биз минтақада жаҳон саноатининг «Тойота», «Тошиба», «Ситизен», «Ямаха», «Хонда», «Касио» каби улкан фирмаларининг ваколатхоналари ўз фаолиятини бошлаши учун тегишли иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қиляпмиз. Япония бизнеси билан бундай яқинлашув биз учун янги корхоналарни барпо этиш, кўп ҳақ тўланадиган иш жойларини вужудга келтириш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш демакдир. Банк, валюта-молия, солиқ, ташқи иқтисодий ва бошқа соҳалардаги нуқсонларимиз вақти келиб тугатишилишига шубҳа йўқ. Бу эса Япония сармояларининг давлатимизга кўплаб оқиб келиши учун омил яратади, шунингдек, минтақани янада обод қилиш, халқ фаровонлигини ошириш учун янги имкониятлар очади.

Самарқандлик ишбилармонлар Япония бизнеси билан ҳамкорликни мустаҳкамлашни Узоқ Шарқдаги ҳамкорлар билан мавжуд имкониятлар тўғрисида таъин ҳам тўлароқ ва мунтазам ахборот айирбошлаш ва иккала мамлакат бозорини ўрганиш, япон менежменти хусусиятларини корхоналар ишига жорий этиш, илғор технология ва машина-ускуналарни сотиб олишдан бошлашга қарор қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

Биз ва жаҳон

ҲИНДЛАРНИНГ ЮРТИМИЗГА ҚИЗИҚИШИ КАТТА

Мустақиллигимизнинг икки йиллиги муносабати билан Ҳиндистонда «Ўзбекистон менинг тасаввуримда» мавзуида газетхонлар викторинаси бошланиб кетди.

ЗЕРО, Шарқнинг икки йирик давлатлари бўлмиш Ўзбекистон билан Ҳиндистон, икки дўст халқ ўзбеку ҳинд ўртасидаги муносабатлар тарихан қадимийдир. Кўҳна тарих саҳифалари қатларини варақламай турибоқ, бир неча асрлик яқин ўтмиш воқеаларини ёлга олмоқ кифоядир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бу буюк инсон сулоласи ақлу заковати, саъй-ҳаракати билан Деҳлида яратилган Лаъл қалъа, Пуран қалъа, Нажмиддин авлиё, Қутб минор, Аградаги бемисл осори атиқалар ҳинд халқи маданий мероси мажмуида салмоқли ўрин тутиши баробарида, ҳозирги кунда ҳам жаҳон сайёҳлари эътиборини жалб этмоқдаки, бу ўзбек ва ҳинд халқлари дўстлик ришталари азалдан мустаҳкам боғланганидан далолатдир. Шу боис ҳинд ўлкасида умргузаронлик қилаётган турли миллатларнинг ўзбеклар диёрида юз бераётган беқиёс тарихий ўзгаришларга қизиқиши, билиш ва англашга интилиши табиий, албатта. Буни ҳисобга олган Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги консулхонаси ташаббуси билан Президентимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби шу йил май ойида Деҳлида инглиз тилида қайта чоп этилди. Шундан сўнг бу ўлкада Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатига қизиқиш ва ўрганиш янада кучайди.

Шу муносабат билан консулхона ходимларининг саъй-ҳаракатлари ва Ҳиндистон—Ўзбекистон дўстлик жамияти ҳомийлигида шу йилнинг июнь ойидан бошланган «Ўзбекистон менинг тасаввуримда» мавзуида ҳинд газетхоналарининг «беллашуви» қизғин давом этмоқда. Мусобақа шартлари айнан Ҳиндистоннинг йирик ва нуфузли «Таймс оф Индия» ва «Зе Хинду» газеталарида босилиб чиққанлиги ҳам бу тадбирда кенг халқ оммаси иштирок этиш истагида эканлигини англатади.

Мусобақа саволлари рангбаранг ва улар қизиқарли мавзуларга таллуқлидир. Чунончи, Марказий Осиёдаги йирик давлат бўлмиш Ўзбекистоннинг жўғрофий ўрни, тарихи, сиёсий ва ижтимоий ҳаёти хусусида ҳиндлар нималарни билишади?

Ўзбекистон — олтин ва олтинга тенг бойликларга эга юрт. Булардан ким қай даражада хабардор? Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хева каби тарихий кўҳна шаҳарлар Ўзбекистонни дунёга танитмоқда. Улар ҳақда ҳинд халқи қандай маълумот ва таассуротларга эга? Умуман, Ҳиндистон — Ўзбекистон муносабатларнинг тарихи, бугуни ва келажагини ҳиндлар қандай тасаввур қиладилар?

Кўриниб турибдики, мусобақа шартлари икки қўшни мамлакат, икки дўст халқ ўртасидаги азалий муносабатларни яна мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилгандир. Мусобақага август ойининг охирларида якун ясалади. Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларининг билимдони бўлган нкки голиб хинд фуқароси жумҳуриятимизга бир ҳафта муддатга сафар қилиб, Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этади, ўзбек халқининг бугунги ҳаёти, орзу-умидлари, Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли нималарда намоён бўлаётганлигини амалда кўради. Шу тарика икки мамлакат ўртасидаги давлатлараро дўстона муносабатлар ҳаётнинг турли жабҳаларида тенглик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат асосида ривож топиб бораверишига шак-шубҳа йўқ.

НОМИНИ ТОПДИ

ТОШКЕНТ метроси йўловчилари ажойиб манзарасининг гувоҳи бўлдилар: бекатлардан бирининг мармар деворларидаги «Мариазий хиёбон» этамаси ўрнига «Амир Темур хиёбони» деган сўзлар битилган эди.

Шуидай қилиб, ерости қасрининг энг кўркам, энг гавжум ва энг катта бекатларидан бири буюк соҳибқирон номи билан аталадиган бўлди. Маълумки, шўро замонида «Октябрь инқилоби» деб аталган ушбу бекатга туташиб кетган ва шу кечакундузда катта иштиёқ билан таъмирланаётган кўркам хиёбонга ҳам яқинда улуғ бобокалонимиз номи берилган эди.

Энди метрочилар «Амир Темур хиёбони» бекати дарвозаларига ўзбек ва рус тилларида муҳрланган қуйидаги битикка ҳам эътибор қилсалар ажаб эмас: «Бизнинг Социалистик Республикамиз мустаҳкам туражак.

В. Ульянов (Ленин)».

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

ЯНГИЛИКЛАР ФАКТЛАР ВОҚЕАЛАР

ҒОЯЛАР, ФИКРЛАР — ПУЛЛИК

ТОШКЕНТ. Болалар ва ёшлар модалари фестивали байрамга айланиб кетди.

ФЕСТИВАЛ чоғида болалар модалари театрини ташкил этишга келишилди. Энди бу масканда ёш моделчилар, чеварлар, рассомларни, хуллас ишлашни хоҳлайдиганларни кутишмоқда. Қизиқарли ғоя, фикрлар учун ҳақ тўланадиган бўлди. Бундан ташқари муаллифларга ўзлари яратган кийим намуналарини саҳнада кўрсатиш имконияти берилади.

МУЗЕЙДА МАХСУС БУРЧАК

КЕЛГУСИ йили Қашқадарё вилояти ташкил этилганига 70 йил тўлади. Юбилей тараддуди ҳозирданоқ қизғин бошлаб юборилган. Шу муносабат билан марказий музейда махсус бурчак очилиб, вилоят тарихига оид материаллар жамланмоқда.

СУРАТДА: кутубхоначи Себо Ҳайдарова.

ОРОМГОҲГА ТЕАТР КЕЛДИ

САМАРҚАНД. Қўғирчоқ театри жамоаси ёзги мавсумни бошлади.

МАКТАБ ўқувчилари ёзги таътилни тоғлар қўйнида, оромгоҳларда ўтказишаяпти. Санъаткорлар ҳам улар изидан отланишди. «Качал полвон», «Бўғирсоқ», «Дўстлик ҳақида эртак» сингари спектакллар жажжи томошабинлар кўнглини шод этди.

ГАЗ ҲАМ, СУВ ҲАМ БОР

БАЛИҚЧИ. «Бўстон» ширкатлар уюшмасига қарашли қишлоқлардаги хонадонларда «зангори олов» ёнди.

УЙ бекаларининг қора ўчоққа ўт қалашдан қутулганларига хурсанд. Уюшма яна 16 чақиримга газ қувурлари ётқизишни режалаштираяпти. Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида бешта қудуқ ковланиб, водопровод тармоғига уланди.

ХОРИЖДА САБОҚ ОЛИШДИ

БУХОРО. Йигирма лафар талаба Қуддусда уч ой сабоқ олди.

ВИЛОЯТДА фаолият кўрсатаётган яҳудийлар миллий-маданий маркази Қуддусдаги «Дискин» ўқув маркази билан келишиб, бухоролик болаларни иврит тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари билан таништирди. Ҳаражатларни марказ ўз эммасига олди.

УЗУМ ҒАРҚ ПИШДИ

Ш. РАШИДОВ туманидаги Х. Олимжон номли жамоа хўжалигида миришкорлар кўп. Шу боис токзорларда бу йил ҳосил чўғи мўл. Сураткаш Умарали Қўшбоқов айни пишиқчилик пайтида хўжалик узумзорларида бўлиб, миришкор Икром Иброҳимовни иш устида суратга туширди.

ГЎШТ, СУТ ЎЗЛАРИДАН ЧИҚЯПТИ

НИШОН. Пахта тозалаш заводи жамоаси ишчиларни иктимоий қимоялашнинг самарали йўлларини излаяпти.

КОРХОНАНИНГ ёрдамчи хўжалигида боқилаётган новвослардан сўйилиб, гўшти арзон нархда сотилиб, болалар боғчаси текинга сут билан таъминланиб турилибди. Ун гектарлик боғда етиштирилаётган турли мевалар ҳам ишчи-хизматчиларга тарқатилаяпти.

ВОҚЕАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 1993 йилнинг 6 августида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзоси О. Турғунбоев раислигида Х. Ҳудойбердиев, О. Орифов, О. Каримов, С. Умурзоқов, А. Маҳмудов ва Б. Шокировга нисбатан қўзғатилган жиноий ишни кўриб чиқди. Улар давлатга қарши ўта хавфли жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилдилар.

Республика Олий судининг ҳукмига биноан Х. Ҳудойбердиев ва О. Орифов беш йилга, О. Каримов, С. Умурзоқов, А. Маҳмудов уч йилга озодликдан маҳрум этилди. Бироқ, жиноят ўз вақтида аниқланиб, ёмон оқибатларнинг олди олингани ва судланувчиларнинг саломатлиги назарда тутилиб, шунингдек, республика қонунларида инсонпарварлик руҳининг устворлиги туфайли уларга белгиланган жазолар уч йил шартли синов муддати билан алмаштирилди.

Бобур Шокиров белгиланган жазони амалда ўтаб қўйгани учун эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, у суд залидан озодликка чиқарилди.

«Эрк» демократик партияси ва унинг аъзолари ўз низомига зид бўлган фаолият билан шуғулланиб, «Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун талабларини бузганликлари учун тегишли чора кўриш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ва Бош прокурорига топширилди.

Республика Бош прокурорига «Эрк» демократик партиясининг раиси Муҳаммад Солиҳ — Мадаминов Салайнинг жиноий жавобгарлиги масаласини яна бир бор кўриб чиқиш ҳамда унинг тергов ва суд олдида жавоб беришини таъминлаш юклатилди.

Уз низомига зид фаолият билан шуғулланиб келган, ғайриконституциявий ҳаракатларни содир этган «Бирлик» халқ ҳаракати ва унинг аъзоларига «Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун асосида чора кўриш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ва республика Бош прокурорига топширилди.

Қуйида Тошкент шаҳар прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Э. Жўраевнинг ушбу суд жараёнида сўзлаган нутқини қисқартирилган ҳолда эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ҳурматли суд ҳайъати!

Аввало шуни таъкидлашим лозимки, суд кўраётган жиноят иши, бу — оддий жиноий иш эмас. Унинг хавфли хусусияти шундаки, суд курсисида ўтирган кимсалар ёш, мустақил давлатимизнинг асосий қонуни — муқаддас Конституциямизга қасд қилганлар.

Яқинда республикамизнинг мустақилликка эришганига икки йил тўлади. Аммо шу қисқа вақт ичида давлатимизга қарши турли хил найранг ва ғаламисликларнинг гувоҳи бўлдик. Юқори ҳокимият идоралари шаънига айтилган қуруқ туҳматларни ҳам, асосий мақсади миллий низо қўзғаш, одамларнинг тинчлигини бузиш бўлган кимсаларнинг уринишларини ҳам кўрдик. Лекин ҳеч ким халқимизнинг республикамиз демократик ва иқтисодий тараққиёт сари тинч ва тўғри йўлдан кетаётганига бўлган ишончини сўндира олмади. Ҳеч ким бизнинг энг катта бойлигимиз — Конституциямизда эълон қилинганидек, инсоннинг ҳаёти, ҳуқуқлари, эркинлиги экани, шу билан бирга, қадр-қимматимизга тажовуз қилган ҳар қандай кимсага қонуний зарба берилиши муқаррар эканига шубҳа ҳам туғдира олмади.

Конституциямизнинг халқчиллиги ва одиллиги жаҳоннинг етук мутахассислари томонидан тан олинган. Ўзбек халқи муқобил сайлов асосида ҳалол ва кучли Конституциявий ҳокимият тузишга эришди.

Айни вақтда республика Конституцияси давлат ҳокимиятини ғайриқонуний тарзда қўлга олишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатни тақиқлайди ва жиноят деб эълон қилади. Ахир, бундан бошқача ҳам бўлиши мумкинми!

Тараққий этган барча давлатларнинг Конституцияларида бундай хатти-ҳаракатлар алоҳида хавфли жиноятлар қаторига киритилган. Масалан, Россия Конституцияси охирги лойиҳасининг 5-моддасида: «Россия Федерациясида ҳеч ким ҳокимиятни ўзлаштира олмайди. Давлат ҳокимиятини эўрлик билан эгаллаш алоҳида оғир жиноятдир», дейилган.

Бундай қоида барча мамлакатлар Конституцияларида мавжуд. Чунки, инсоният тарихи давлат ҳокимиятини зўрлик билан эгаллаш тўғридан-тўғри қон тўкилишига, фуқаролар урушига сабаб бўлишини доимо уқтириб келган.

Суд курсисида ўтирган шахслар айнан шундай ёвуз мақсадларда давлат ҳокимиятини эгаллашга қасд қилганликда айбланмоқдалар.

Суд бир ой мобайнида ишни кўриш давомида бўлган турли хил қаршиликлар, ҳатто суд жараёнининг тўғри кетишига тўсқинлик қилган айрим судланувчилар ёки уларни гўё инсон ҳуқуқларини ҳимоя этувчи «қаҳрамонлар» қилиб кўрсатишга уринган айрим чет эл матбуоти ходимларининг ашаддий тазйиқларига қарамасдан, қонун бузилишига йўл қўймасдан, шу билан бирга, судланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаган ҳолда, дастлабки тергов материалларини синчиклаб таҳлил қилди. Бу билан қонунининг адолат тамойилига холисона амал қилиниши яна бир бор кўрсатди.

Буларнинг асосий якуни шуки, судланувчиларнинг айби юзасидан прокуратура томонидан дастлабки тергов давомида тўпланган далиллар суд муҳокамасида ўз тасдиғини топди.

Жиноят иши материалларига кўра қуйидаги факт ва ҳолатлар аниқланган.

Судланувчилар — «Бирлик» халқ ҳаракати фаоллари Худойбердиев Ҳазратқул, Маҳмудов Абдулазиз, Каримов Олимжон, «Эрк» демократик партиясининг аъзолари Орифов Отаназар, Умурзоқов Саловат ҳамда фуқаро Шокиров Бобур манманликка берилиб, ғаразгўйлик ва амалпарастлик ниятлари билан 1992 йил май, июнь, июль ойлари давомида ҳокимиятни эгаллаш мақсадида фитна уюштириб, ташкилий фаолият кўрсатиб, Конституцияга хилоф равишда давлатга қарши алоҳида оғир жиноятларни содир қилганлар.

Ана шу даврнинг ўзида «Эрк», «Бирлик», «Халқ дипломатия уюшмаси», ҳеч жойда рўйхатдан ўтмаган «Ўзбекистон озод деҳқонлар партияси» ва «Туркистон халқ ҳаракати» вакиллари иштирокида ғайриқонуний йўл билан қонун ишлаб чиқиш ваколатларига эга бўлган янги орган, яъни «Миллий мажлис» тузиш мақсадида Каримов Олимжон раислигида бир неча бор йиғилиш ўтказилган. Мазкур «Миллий мажлис»га оид бўлган ҳужжатларни тайёрлаш учун ташаббус гуруҳи тузилади. Унга судланувчилардан Шокиров раис, Худойбердиев, Умурзоқов ва Маҳмудов гуруҳ аъзолари қилиб киритилади. Уларга «Миллий мажлис» тузишга доир ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон демократик кучларининг «Миллий мажлис» тузиш тўғрисидаги битими, «Миллий мажлис»нинг муваққат тузуги ва демократик йўналишдаги сиёсий партиялар, ҳаракатлар, бирлашмалар ва ташкилотлар вакиллари ташаббус гуруҳининг баёнотлари лойиҳаларини ишлаб чиқиб, мазкур мажлисга тақдим қилиш топширилади.

Кўриниб турибдики, гап фақат сиёсий кураш ва у ҳақдаги фикрлар тўғрисида эмас, балки жиддийроқ, амалга ошиши аниқ бўлган, жамият учун ўта хавфли жиноят ҳақида бораяпти.

Юқорида эслатилган гуруҳ томонидан «Миллий мажлис»га оид ҳужжатлар тузилиб, бир неча бор йиғилишда муҳокама қилинади ва уларда кўрсатилган ғоялар мажлис қатнашчилари томонидан тўлиқ маъқулланади.

Лекин бу ҳужжат ҳали ҳомлиги ва пишиб етмагани учун, судланувчи Шокировнинг таклифига кўра, юқорида номлари саналган партия, ҳаракат, уюшма ва ташкилотларнинг раҳбарларига топширишга келишилади.

Шунга асосан 1992 йил 19 июнь куни судланувчилар — Каримов, Умурзоқов, Худойбердиев ва Шокиров «Эрк» демократик партиясининг раиси Муҳамад Солиҳ ҳузурига борадилар.

Судда тўлиқ тасдиқланганидек, Муҳаммад Солиҳ «Миллий мажлис»га оид бўлган ҳужжат — «Миллий мажлис тузуги» лойиҳаси билан танишиб, унга ўз қўли билан қўшимча ўзгартишлар киритиб, «Миллий мажлис» ғоясини маъқуллайди. Лекин лойиҳани қайта ишлаш зарурлигини айтади, унинг бир нусхасини «Эрк» партияси сиёсий ишлари бўйича котиби Орифов Отаназарга бериб, қайта ишлаб тайёрлашга топширади.

О. Орифов Муҳаммад Солиҳнинг топшириғи бўйича, «Миллий мажлис тузуги» лойиҳасини кўриб, фикр ва эътирозларини Муҳаммад Солиҳга айтади. Сўнг шу лойиҳа юзасидан уюштирилган йиғилишга қатнашиб, «Миллий мажлис тузуги» лойиҳасидаги ғояни маъқуллаб, шу билан бирга ҳали унинг ҳомлигини, пишитиш лозимлигини айтади.

Шундан сўнг О. Орифов, Ҳ. Худойбердиев бир неча кун давомида «Миллий мажлис»га оид ҳужжатлар: битим, тузук ва баёнотлар лойиҳасининг охирги вариантини ишлаб чиқиб, «Эрк» демократик партиясига тегишли компьютерда кўпайтириб, юқорида номи саналган партия, ҳаракат ва уюшма раҳбарларига тарқатган.

Кўриб турибсизки, бу ерда гап жуда аниқ уюшган ташкилий фаолият ҳақида бораяпти.

Хўш, булар қандай ҳужжатлар эди?

Суд мажлисларида чуқур таҳлил қилинган бу ҳужжатларга судланувчиларнинг муносабати ҳам аниқланди.

Мана, улардан бири, яъни — «Халқ дипломатияси уюшмаси», «Бирлик» халқ ҳаракати, «Эрк» демократик партияси, «Ўзбекистон озод деҳқонлар партияси» ва «Туркистон халқ ҳаракати» томонидан тузилган Ўзбекистон демократик кучларининг «Миллий мажлис» тузиш тўғрисидаги битими. «Битим» атиги учта моддадан иборат бўлса-да, шунинг ўзи ҳам судланувчиларни ғайриконституцион йўл билан фитна уюштириб, ҳокимиятни қўлга олишда айблаш учун етарли асос бўлади.

Келинг, мазкур ҳужжатларни таҳлил қилайлик.

Битимнинг биринчи моддасида, тўғрироғи, фитна йўли билан уюштирилган жиноий ҳужжатда қуйидагилар ёзилган: «...Мустақил фаолият кўрсатувчи ва қонун-лойиҳа ишлаб чиқиш ваколатларига эга бўлган Миллий мажлис таъсис этиш».

Бунинг маъноси нима?

Агар биз тўғри ўқий билсак, унинг маъноси фақат битта, яъни ғайриқонуний йўл билан мустақил қонун-лойиҳа ишлаб чиқиш ваколатига эга бўлган янги парламент тузиш ва ҳокимиятни эгаллаш демакдир. Бундан бошқача талқин қилиш эса ҳақиқий ҳолатни сохталаштириш бўлади.

Балки биз адашаётгандирмиз, эҳтимол, инсон ҳуқуқларининг «ҳимоячи»лари, Конституция талабига кўра, мазкур ҳужжатни республика Олий Кенгашида кўриб чиқиш учун тақдим этмоқчи бўлгандирлар? Минг афсуски, битимнинг иккинчи моддасига мурожаат қилишимиз билан бу шубҳаларимиз ўз-ўзидан йўқолади. Чунки, унда қўйидагича кўрсатилган: «Миллий мажлис» қабул қилган қонун-лойиҳаларнинг кучга киритилиши билан боғлиқ бўлган қарорлар ижросини таъминлаш».

Келинг, ана шу иккинчи моддани яна бир марта ўқийлик. Балки биз ўз кўзимизга ишонмаслигимиз керакдир? «Қарорлар ижросини таъминлаш» деган сўзлар қандай маънони билдиради? Агар бу сўзларни шошилмасдан, чуқурроқ таҳлил қилсак, унинг даҳшатли маъноларни секинаста онгимизга етиб боради. Бунинг маъноси шуки, бир тўда кимсанинг ўзини «Миллий мажлис» эълон қилиб, жинояткорона иродасини бутун мамлакатимиз ҳудудида сўзсиз бажарилишини таъминлашнинг барча чораларини кўриши демакдир.

У ҳолда Конституция асосида тузилган амалдаги ҳокимият органлари-чи? Бу органларнинг мавқеи қандай бўлади?

«Миллий мажлис» вакилларининг, биринчи навбатда «Эрк» ва «Бирлик» раҳбарларининг мантиғи бўйича бу конституциявий ҳокимият органлари йўқ қилиниши лозим эди. Лекин ҳар қандай давлатда ҳам конституциявий ҳокимиятнинг вазифаси Конституция ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. Бундай бурч Конституциямизга асосан мустақил Ўзбекистонимиз ҳокимият органларига ҳам юклатилган. Ва улар бу олий бурчларини бажариб келмоқдалар, бажарадилар ҳам.

Асосли равишда бошқа савол туғилади: «Миллий мажлис» қарорларини ким томонидан сўзсиз бажарилиши керак эди? Ахир, бу ғайриқонуний қарорни бирор бир куч ишлатмай бажартириш мумкин эмас-ку! Буни судланувчилар жуда яхши билишарди. Чунки уларнинг орасида ҳатто профессорлар ҳам бор.

Аммо судланувчилар бу кучларни биздан яширмоқдалар. Балки улар Намангандаги барбод бўлган «Ислом лашкарлари» деб аталмиш кучлардир? Ёки Тожикистон пойтахтидаги «Шаҳидон» майдонида «фаолият кўрсатган» кимсалардир? Ёки Фарғонада қирғин уюштирган мафиячи ва гиёҳвандлардир? Бу бизга ҳозирча номаълум.

Аммо шу нарса равшанки, бу кучларга суянмасдан судланувчилар ва уларнинг орқасида турганлар жинояткорона мақсадларига эришишлари мумкин эмаслигини яхши тушунишган. Агар уларнинг қора ниятлари амалга ошганида, нима бўлар эди? Тожикистон ва Озарбойжондаги қонли қирғинлар бизда ҳам такрорланмасмиди?

Судланувчиларнинг жинояткорона режалари бўйича, мазкур битим юқорида номи келтирилган партиялар ва жамоат уюшмаларининг раҳбарлари томонидан имзоланган вақтдан бошлаб ижро этилиши лозим эди. Бу ҳолат жиноят иши материалларида ўз исботини топган.

«Эрк» ва «Бирлик» раҳбарларининг бу ҳужжатларни имзолаши шубҳасиз эди. Чунки бу ҳужжатлар матни улар билан тўлиқ келишилган эди. Чунончи, Муҳаммад Солиҳ билан. У давлат ҳокимиятини тортиб олишга қаратилган ҳаракатлар реал эканини билган ва ўз жойини ҳокимият тепасидаги давлат мансабларида кўрган. Шунинг учун ҳам у 19 июнда бўлган ташаббус гуруҳи билан учрашувдан 13 кун ўтгач, яъни 2 июль кунни Олий Кенгаш сессиясида намойишкорона тарзда депутатлик ваколатидан воз кечиб, мафкуравий курашчи ролини ўйнамоқчи бўлди. Ҳозир эса унинг ҳақиқий қиёфасини кўриб турибмиз.

У халқимиз мустақиллиги ва эркинлигига ҳамда тинчлигига қасддан зарба бермоқчи эди. Бугунги кунда у одил суддан қўрқиб қочди. Лекин халқимиз қарғишидан қочиб қутулолмайди.

Аммо, юқорида келтирилган ва тасдиқланган фактларга қарамасдан, судланувчилар ўзларича бу ҳолатларни демократик ғоя ва сиёсий фикр билдириш деб бизларни ишонтиришга уринмоқдалар. Уларнинг фикрича, бу каби ҳаракатлар учун ривожланган мамлакатларда жиноий жавобгарликка тортилмас эмиш. Лекин бизни бу каби сафсаталар билан алдай олмайдилар. Ахир, бир неча йил жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида яшаб келган Бобур Шокиров Конституцияга қарши равишда иккинчи парламент тузишга кимдир йўл қўяди, деб айта оладими? Ёки бу каби ҳаракатлар у ерда жиноят эмас, деб айтиши мумкинми? Шундай экан, нима учун у ўзининг она ватанида бошқача бўлиши керак деб ҳисоблайди? Олдинроқ бошқа мамлакатлар Конституцияларидан баъзи бир моддаларни келтирган эдим. Бу ҳақда тушунчалар аниқ ва етарли бўлса керак.

Энди иккинчи ҳужжат — «Миллий мажлис» тузугидаги баъзи бир ҳолатларга тўхталайлик. Мазкур ҳужжат асосан ҳаммага маълум, бошқа манбалардан кўчириб олинган умумий гаплардан иборат бўлиб, унда бирор бир янгилик йўқ.

Лекин сизнинг диққатингизни баъзи моддаларга қаратишим лозим топардим. Мана, мисол учун, 2-моддада айтилади: «Миллий мажлис» сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари вакилларидан тузилади».

Қандай йўл билан тузилар экан?

Бу йўл, мазкур тузукка қараганда, қуйидагича: «Эрк», «Бирлик» ва бошқа партиялар ҳамда ташкилотлар раҳбарий органларининг мажлисларида икки-учтадан депутат сайланади ва «Миллий мажлис»га чақирилади. Кўриб турибсизки, ҳаммаси аниқ ва равшан!

Ахир, бу ташкилотлар республика умумий аҳолиси бир фоизининг ҳам манфаатини ифодаламайди-ку! Бу одамлар шундай ҳолатда ҳам ўзларини «демократ» деб кўрагига уришларига нима дейиш мумкин! Аслида, гап диктатура ҳақида кетяпти-ку!

Энди бир неча сўз «Бирлик», «Эрк» ва бошқа ташкилотларнинг «Баёнот» деб аталган ҳужжати ҳақида.

Бу ҳужжатнинг аниқ мазмуни нима, у кимга қаратилган? Қисқача қилиб айтганда, унда гўё республикада драматик вазият аужудга келгани, қора сиёҳлар билан ёзилган ва биз учун КПСС тарихи дарсликларидан таниш синфий кураш кучайгани каби тезислар келтирилган ҳамда бу вазиятдан чиқиб кетиш учун «Миллий мажлис» таъсис этилмоқда, дейилган.

Матннинг маъносидан ҳам кўриниб турибдики, бу баёнот «Миллий мажлис» иши бошланганидан кейин халққа эълон қилиниши кўзда тутилган. Бу ҳам бизга жуда таниш. Шундай эмасми?

Юридик жиҳатдан бу баёнот фақат биргина маънода аҳамиятга эга бўлиб, у ҳам бўлса, ғайриконституциявий равишда давлат ҳокимиятини эгаллашга уринишнинг бир далилидир.

Қўшимча далил келтириб, судланувчиларнинг айбини тасдиқловчи фактлар таҳлилига тўхталишнинг ҳожати йўқ. Дастлабки тергов, энди эса суд тергови жиноят-процессуал қонуни талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтказилди. Тергов бошланишидан тортиб, суд мажлиси давомида судланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқи тўла таъминланди.

Келтирилган жиноят иши фабуласини судланувчиларнинг ўзлари ҳам тасдиқлашди. Тўғри, улар бу фактларни ўз фойдаларини кўзлаган ҳолда, бошқача тарзда тушунтиришга ҳаракат қилишди. Яъни улар гўё гуманистик ғоялар ва сиёсий қарашларни тарғиб этган шахслар сифатида кўрсатмоқчи бўлишди ўзларини. Ва бу ғоялар учун ҳеч қандай жиноий жавобгарлик бўлиши мумкин эмас деб, инсон ҳуқуқлари декларациясини бу ерда бир неча бор эслаб ўтишди.

Шу сабабли қуйидагиларни таъкидлашни лозим топардим.

Тўғри, ғоялар ва сиёсий қарашлар учун бизнинг давлатимизда, барча ривожланган давлатлардагидек, жиноий жавобгарлик белгиланмаган.

Тўғри, бизнинг давлатимиз инсон ҳуқуқлари декларациясини тан олган, унинг талабларини бажариб келмоқда ва келажакда ҳам бажариши мукаррар.

Аммо судланувчиларга ғоялар ва дунёқараш учун эмас, балки аниқ ғайриконституциявий равишда ҳокимиятни эгаллаш мақсадида ташкилий фаолият кўрсатиб, оғир жиноят содир қилганликлари учун Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 62-моддаси билан айб қўйилмоқда.

Юқорида баён этилганларга асосан, Худойбердиев Ҳазратқул, Орифов Отаназар, Каримов Олимжон, Умурзоқов Саловат, Маҳмудов Абдулазиз, Шокиров Бобурни Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 62-моддасида кўрсатилган жиноятларни содир қилганликда айбдор деб топишни ва уларга жиноят кодексининг 55-1-моддаси бўйича жазо тайинлашни сўраймаи.

Жаҳон 24 соат ичида

МОСКВА. РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, Россияда сўнгги олти ой мобайнида 4 мингга яқин бўғма касалига чалинган беморлар аниқланган, яъни уларнинг сони ўтган йилгига нисбатан икки баробар кўпайган.

Ўтган йилда мазкур касаллик туфайли 131 киши ҳаётдан кўз юмган бўлса, бу йил олти ой ичидагина 104 нафар бемор оламдан ўтди, деб маълум қилади тозалик ва юқумли касалликларга қарши кураш назорати. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, бу касалликнинг кескин кўпайишига асосий сабаб аҳолининг етарли даражада эмланмаётганидир.

* * *

КИЕВ. Украина Исроил Олий суди томонидан озод этилган Иван Демьянюкнинг хусусий таклиф билан республикага келишига ижозат берди.

Украинанинг Исроилдаги элчиси Юрий Шчербакнинг таъкидлашича, бу ерда бошпана бериш ёхуд «Украина таклифи» ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, у мамлакатга маълум бир муддатга келиб кетади. Маълумки, Исроил суди Демьянюкни иккинчи жаҳон уруши даврида фашистларга хизмат қилганликда айблган эди.

* * *

СОЧИ. Утган кеча-кундуз мобайнида Абхазия фронтидаги осойишталикни ёқинда ёқилган ўқлар овозигина бузиб турди.

Грузия билан Абхазия манбаларининг хабарига қараганда, мазкур нотинч нуқтадаги аҳвол аста-секин барқарорлашмоқда. Ҳар иккала томоннинг Мудофаа вазирлиги вакиллари ҳарбий тузилмаларни олиб чиқиб кетиш дастурини тайёрлашга киришди. Дастурни 6 августгача тайёрлаб, тавсия этиш белгиланган.

* * *

ОРЁЛ. Россия Президенти Борис Ельцин иккинчи жаҳон урушида бурилиш ясаган Орёл-Курск жангининг 50 йиллиги муносабати билан бу ерга ташриф буюрди.

Сафар мобайнида Россия раҳбари мамлакатдаги доннинг каттагина қисмини етиштираётган ушбу вилоятнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳвол билан ҳам яқиндан танишади.

* * *

БИШКЕК. Қирғизистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Э. Қорабоева Деҳлига жўнаб кетди.

Уч кунлик расмий сафар дастурида Ҳиндистон Бош вазири, Ташқи ишлар вазири, ишбилармонлар вакиллари билан учрашувлар кўзда тутилган. Шунингдек, ҳар икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликларининг ўзаро ҳамкорлиги, авиаалоқалар ва сайёҳликни кенгайтириш юзасидан ҳукуматлараро битимлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

* * *

Кейинги икки ой мобайнида Тинч океани чегара ўрамида Россия Федерацияси ҳудудига яширинча ўтишга уринган 200 дан зиёд Хитой фуқароси ушланди.

Маълум бўлишича, улар асосан олибсотарлик ҳамда ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар савдоси билан шуғулланган.

Ярим йил мобайнида чегарачилар томонидан минг нафардан зиёд ана шундай «чақирилмаган меҳмон»лар йўли тўсилган.

* * *

Молдавия парламенти мамлакатнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кириш тўғрисидаги Минск битимини ратификация қилишга қарши овоз берди.

* * *

Россия ҳукумати Украинани ядросиз мақомига риоя қилишин таъминлаш ва мамлакат парламенти ҳамда Мудофаа вазирлиги томонидан қабул қилинган қарорларни қайта кўриб чиқишга чақирди.

Чоршанба куни оммага маълум қилинган баёнотда Украина ўзини ядро қуроли соҳиби деб санаган ҳужжатлар кўпгина халқаро шартномаларга зид эканлиги таъкидланади.

• *Ишбилармон кишилар*

БОЗОР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ

БОЗОР муносабатлари меҳнат жамоалари олдига жиддий талаблар қўймоқда, уни енгиб ўтиш учун жон қуйдириш керак бўлади. Зеро, ўтирган — бўйра, юрган — дарё дейдилар. «Ўзнефтгазқурилиш» давлат ҳиссадорлик уюшмасининг Бухородаги 1-хўжалик ҳисобидаги қурилиш бошқармаси жамоаси шу нақлга амал қилиб, бозор иқтисодиёти сари дадил одимламоқда. Анатолий Цебоев бошқараётган қурувчилар оғирнинг устию енгилнинг остидан юришдек ғирром йўлни танлашмади. Аксинча, аниқ ҳисоб-китоб, ташаббус, қўникма — уларнинг асосий қуролига айланган. Шунинг учун ишларида унум, пировард натижада барака бор. Керак бўлса, бўлмаса мажлис қилавериш аллақачон барҳам топган. Вақтнинг қадрига етишади. Цех бошлиғидан тортиб, оддий ишчигача нима билан шуғулланишини аниқ билади. Ишлаб чиқариш цехидаги кўрсаткичлар тахтасида ҳамма маълумотлар муҳайё: бугунги иш режаси қандай, бугун қанча бетон қуйилди, эрталабки нималарга эътиборни қаратмоқ керак.

Бошқармада асосий маҳсулот бўлмиш темир-бетондан ташқари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Чунончи, ёғочни қайта ишлаш цехида 20 хилдан кўп маҳсулот тайёрланмоқда. Деваза ромлари, эшик, кроват, дарвоза, ошхонага қўйиладиган стол ва ўриндиқларнинг, айниқса, бозорни чақон.

— Давлат буюртмасидан ташқари шахсий буюртмаларни ҳам бажараяпмиз, — дейди ёғочни қайта ишлаш цехи бригадири Бафо Қаҳҳоров. — Чиқитсиз ишлаяпмиз. Тахта-ёғоч қолдиқлари ҳам аҳолининг рўзғор ишларида ҳар дақиқа асқотадиган бирор асбобга айланади.

Бошқарманинг бежиримгина ғишт заводи ҳам бор. Ҳар сменада 700 дона ғишт тайёрланмоқда. Ғишт пешма-пеш сотилиб, тушган маблағлар заводни тўла жиҳозлашда асқотадиган тош майдалагич, бетон қорадиган ускуналарни харид қилишга жамғарилмоқда. Кейинчалик шахсий буюртмачилардан орттириб, давлат буюртмалари ҳам бажариладиган бўлади.

Бошқарма раҳбарияти ва мутахассислари ҳамон изланмоқдалар. Бу янги истак-орзулар ҳам, албатта, рўёбга чиқажак. Чунки, меҳнат жамоаси бозор муносабатларига тезроқ ва бутунлай ўтишга астойдил киришган.

О. АСАДУЛЛАЗОДА.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ҚУШНИЛАР УЙ ҚУРИШМОҚДА ПАНЖАКЕНТДА қад ростлаган чиройли биноларнинг кўпгинасида самарқандлик усталарнинг қўл изи қолган.

САМАРҚАНДЛИК қурувчилар Тожикистондаги қўшни шаҳарда яна иккита уйни қуриб битказишди. Тўққиз қаватли бу кўркам бинога 70 оила кўчиб кирди.

Ўзбек шаҳридаги уйсозлик комбинати қурувчилари ҳиммматидан қўшнилар мамнун бўлишмоқда. Чунки улар Панжакентдаги муҳим муаммолардан бири — уй-жой етишмаслигини ҳал қилишга кўмаклашмоқда. Ҳозир ўзбек қурувчилари иккита тўққиз қаватли ва яна иккита беш қаватли уйни барпо этишаяпти.

ҲАМ КУРИБ, ҲАМ ГАПЛАШАСИЗ

ЯҚИН кунларда хўжандликлар дунёнинг турли туман шаҳарларидаги танишлари, ёр-дўстлари билан кўришиб, гаплашиш имконига эга бўладилар.

ШАҲАРДА 2910 каналли алоқа мажмуи ишлай бошлайди. Телеэкранли телефон қурилмини Санкт-Петербургдаги «Алкател-Белл» фирмаси бўлинмаси зиммасига олди. Замонавий алоқа воситасини қуриш учун Франция ва Бельгия фирмалари ва вилоят алоқа бирлашмаси шартнома имзолашган.

БУЛОҚЛАР КУЗИ ОЧИЛАДИ

ВУНДАН бир неча йил олдин вилоятда йилига 300 минг тонна нефть қазиб олинарди.

СОБИқ Иттифоқнинг ёнилғига бой республикалари таъминотига ишонилдими, борган сари нефть қазиш камаяверди. Яқинда иш бошлаган «Қайроқкум» — «Ойл ЛТД» Америка-Тожикистон корпорацияси унутилган нефть булоқлари кўзини очаётган бўлди. Шу билан бирга вилоятнинг Конибодом ва Ашт туманларида аниқланган ёнилғи конларини ишга туширишга жалаштирилди. Қўшма корхонага аввалига Қўқон нефть техникумини, сўнгра Тожикистон Давлат дорилфунунининг геологик қидириш ишларини битирган тажрибали мутахассис Ислом Эргашев бошчилик қилмоқда. Нефть конларини очиш билан бирга ёнилғини қайта ишлаш корхонаси ҳам қурилди. Бу корхона йилига 500 минг тонна маҳсулот тайёрлаш имконига эга бўлади.

Ўринбой УСМОН.

Тиббиётимиз фидойилари

ЮРАК БИЛАН «ТИЛЛАШАЁТГАН» ЮСУБОВ

Тажрибали шифокор Отахон Юсубовнинг табобат ходимлари бот-бот рўпара келиб турадиган мураккаб ва фавқулодда вазиятларда беморларнинг гиёҳ эмас, табобатнинг ҳам жонига оро кирган ҳоллари кўп бўлган. Бир гал беморлардан бирини ногоҳоний юрак ҳуружи ёқдан чалади. Ҳаёт ва момот ораси бир қадам қолган. Шундай қалтис вазиятда О. Юсубов беморнинг танасидан ўта юқори (5 минг вольт) кучланишли электр токини ўтказишга қарор қилди. Ҳали Хоразмда бунақа тажрибани қўллашга ҳеч бир шифокор журъат этмаганди. Секундининг юзларча улушидан бирига тенг вақт давом этган ўта кучли ток таъсирида адо бўлаёзган юракда яна тириклик аломатлари пайдо бўлди. Гаплнинг лўндаси, яқинларигина эмас, шифокорлар ҳам умидини узган хаста киши қайта оёққа турди.

— Ўшанда ўлим муқаррар бўлиб қолганди, — дея эслайди Отахон ака. — Табобатдаги барча хавфли муолажа усулларини биз охирги чора сифатида қўллаймиз. Беморга қўллаган усул ҳам пировардида иажот йўли бўлиб чиқди.

Бошқа бир гал, аниқроғи бир йил муқаддам эса О. Юсубов бутун бошли вилоят табобатининг «дарди»га малҳам топди. Ёз ойларига келиб, у ишлаётган биринчи вилоят касалхонаси на бошқа кўпгина тиббиёт муассасаларининг дори-дармон жавонлари бўшаб қолди. Вилоят дорихоналар бирлашмасининг мададидан ҳам умид йўқ. Кунлардан бирида Отахон Юсубов «Санкт-Петербургга бориб келиш учун рухсат берсаларинг», дея сўраб қолди. Сафарга изн берилди. Юсубов ундан бутун бошли вилоятнинг ярим йиллик эҳтиёжини қоплайдиган миқдорда ноёб дори-дармонлар билан қайтди. «Нафақат дори-дармонлар, балки ажойиб дўстлар ҳам орттирдим», дейди шифокор.

Эл яхшиларни бир пастда «кашф» этади. О. Юсубовнинг ҳам хўш хулқию, халқ ишига камарбаста-лигини бир пасда илғаб олишди. Касбдошлари уни оддий шифокорликдан вилоятнинг энг йирик касалхонаси бош врачи даражасигача кўтаришган бўлса, юртдошлари вилоят кенгаши нойблигига, нойблар эса мазкур кенгашнинг соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва спорт ишлари бўйича доимий комиссияси раислигига лойиқ кўришди. Шифокордан чиққан халқ вакили фаолиятининг ўзи бир достон.

О. Юсубов шифокорлик ёки нойблик фаолияти билан ҳам чекланиб қолаётгани йўқ. Ҳаётининг бир қисмини Тошкент давлат биринчи тиббиёт институтининг Урганч бўлими билан боғлаган. Бу ерда у бўлғуси шифокорларга билим беришдек савобли ишга баҳоли қудрат боғ қўшаяпти. Айни пайтда вилоят клиник шифохонаси бош врачининг муовини вазифасида ишламоқда. Бугун эса унинг ҳаётида яна бир унутилмас кун: «Дўхтир Юсубов» 50 ёшда.

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БОЁВУТ ЯНГИЛИКЛАРИ

МАЛИКА ВА УНИНГ ДУГОНАЛАРИ

НАВОИЙ номли жамоа хўжалигида тикувчилик цехи иш бошлади.

МОҲИР чевар Малика Зокирова бош бўлган корхонада ҳозирча олти нафар тикувчи ишлаяпти. Чеварлар қўлидан чиққан кийим-кечаклар қишлоқ аҳлига манзур бўлди.

ПУЛЛИК, АММО КАФОЛАТИ БИЛАН

ЎЗБЕКИСТОН зиёлилари илмий-маърифий уюшмаси туман ташкилотининг ташаббуси билан уч ойлик пуллик курс ташкил этилди.

ЭНДИЛИКДА бу ўқув масканида таълим олганлар ҳар уч ойда ҳисобчи-бухгалтер, болалар боғчаси тарбиячиси, кутубхоначи мутахассисликларини эгаллаб, иш фаолиятларини бошлайверадилар. Дарвоқе, битирувчилар касбларини пухта эгаллаганликларига кафолат берилади.

ҚУРИҚ ЕР СОПОЛИ

ҒИШТ заводи жамоаси яқинда ишга туширган кулолчилик цехи дастлабки маҳсулотларини чиқара бошлади.

БУГУНГИ кунда асосий маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳар томонлама ошириш ҳолда аҳоли кундалик эҳтиёжини қондиришга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти.

Т. АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим*

ҲОФИЗ РЎЗИБОЙ ЁКИ ИККИНЧИ МАШРАБ

Адабиёт дарсликларимизда, рисола ва салмоқли илмий нашрларда «реакцион феодал-клерикал адабиёт» вакиллари ҳақидаги фикрлар суд ҳукмидек қисқа ва қатъий қилиб айтилган. Ҳаётимизда «халқ душманлари»га ўқилган ҳукмлар учлик томонидан чиқазилганидек, адабиётимизда ҳам шу йўл танланди.

Ана шундай ҳукмлардан бири XIX аср иккинчи яримлари — XX аср бошларида Қаршида яшаган шоир Ҳофиз Рўзибой Охунд Машраби Соний деб аталган эди. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1959 йил 12 июлида чоп қилинган «Икки Машраб» деб номланган мақолада шундай сўзлар бор эди:

«Бобораҳим Машраб номига иснод келтирган Мулла Рўзининг мутасавви шеърлари хонақоларда, зикрларда, қаландарларнинг оғзида, эшон ойимларнинг жаҳрияларида узоқ вақт мунграб келди. Лекин чинакам ишқ эгалари, покиза сўз, лирик ҳиссиёт, оташин севги талаб бўлган кўпчилик ўз шоири Бобораҳим Машрабнинг асл ижодини ҳас-хашаклар орасидан топилган дурдоналардай ардоқлаб, сақлаб, куйлаб, бизнинг замонамизгача эсон-омон етказиб кела олди».

Албатта, мен бу сўзларни таъна сифатида кўчираётганим йўқ. Пролеткульт 20-йилларда барҳам топган бўлса-да, унинг иши яшаётганлиги, бу яшовчанликнинг илдизи эса «икки маданият» назариясига бориб тақалишини яна бир карра эсга тушириш учун келтиряпман бу сўзларни. Бобораҳим Машрабдек улуғ шоир номига «иснод» келтирган Мулла Рўзи ким бўлди? Бу иснод маъноси нимадан иборат эди? Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, сўфиёна талқин этилган «Мабда нури» («Мабдаи нур») ва «Кимёи саодат» деган номдаги икки асарнинг Бобораҳим Машраб қаламига даҳли йўқлиги, у Мулла Рўзининг «мутасаввиф» шеърларидан иборат эканлиги исноднинг асоси эди. 1959 йилда бу икки асарнинг Бобораҳим Машрабга асло тегишли эмаслиги айтилган бўлса, орадан 30 йил ўтиб, «Мабдаи нур» билан «Кимё»нинг айнан шу шоирники эканлиги таъкидланади:

«Мабдаи нур» ва «Кимё» асарлари Ҳофиз Рўзибой Охунд — Машраби Соний-ники эмас. Бу асарлар тузилиши, мазмуни ва ғоявий йўналишига кўра, асарларнинг тили, бадиий воситаларнинг ишлатилиши, услубларига кўра ҳам Бобораҳим Машрабникидир». («Меҳрибоним қайдасан», Тошкент, 1990 йил, 362-бет).

«Икки Машраб» ҳақидаги мақоладан кейин Ҳофиз Рўзибойнинг номи бутунлай ўчиб кетди, бирон-бир адабиётшунос у билан қизиқмади. Унинг номи бир-икки тадқиқотда тилга олинди-ю, ҳақиқатни юзага чиқаришга ботиниш сезилмади. Номи бир марта қаердадир қораланган ва шу сабаб бутунлай четга суриб қўйилган ўтмиш шоирларимиз озмунчами? Ҳувайдо, Ҳазиний, Фазлий, Муҳйи ва яна неча ўнлаб ижод аҳли мероси ўйламай-нетмай бир оғиз «реакцион» деган сўз таъсирида ҳанг босиб ётибди.

Гап агар халқнинг дурдоналар қадрига етиб, уларни авайлаб, кўз қорачиғидай сақлаб келиши ҳақида борадиган бўлса, бу шубҳасиз, Мулла Рўзи деб камситилган, лекин бемалол ардоқ билан Мулла Рўзибой Охунд Машраби Соний деб айтиш мумкин бўлган шоиримизга ҳам тааллуқлидир.

Бобораҳим Машраб ҳеч бир шубҳасиз Шарқнинг буюк шоирлари қаторида туради. Унинг номини, ижодини иккиланмасдан Жалолиддин Румий номи ва ижодига қиёс этиш мумкин. У ҳаётилиги вақтидаёқ Туронзамин ва Хуросонда маълум ва машҳур эди. Унга эргашмаган, тақлид қилмаган шоирлар кам эди.

Қашқа воҳасида Бобораҳим Машрабга издошлик, унинг йўлидан бориш тасодифий эмас, балки анъанавийдир. XIX аснинг биринчи ярми сўнгларида Қарши шаҳри атрофидаги қишлоқлардан бирида таваллуд топган, кейинчалик Машраби Соний — иккинчи Машраб деб машҳур бўлган Мулла Рўзибой Охунд ҳам ана шу йўлни танлаган шоирдир. Бу ерда тағин бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, XIX асрда шаҳрисабзлик, қаршилик олиму фозиллар Фарғона, Наманган адабий-илмий муҳитига жуда яхши муносабатда бўлишган. Икки ўртада бордикелди мустаҳкам ва самимий бўлган. Масалан, Муштоқ Шаҳрисабзий, Тоҳира Насафий каби ижод аҳли вакиллари Қўқон адабий муҳити билан чамбарчас боғлиқ бўлганлар.

Маълумки, Қарши шаҳри оқ подшо қўшини томонидан 1869 йилнинг 19 октябрида эгалланган. Шаҳар бир ҳафта давомида тўпга тутиб турилган. Мадрасалар, карвонсаройлар, масжидлар қунпаякун этилган. Шаҳар аҳолиси бор-будини ташлаб кочган, тўпга ем бўлмай қолганлари Қашқадарёни ёқалаб, унинг тўқайларида яшириниб жон сақлаган. Бу кўргуликлар содир бўлганда Ҳофиз Рўзибой 35—40 ёшлар оралиғида бўлган. Чамаси, шу воқеадан сўнг ёзилган таркиббандида бўлиб ўтган даҳшат сабабларини ахтаради:

Иллат айёмидин қилғил ҳазар,
эй ҳуш мижоз,
Тунбод фитналардин ўчмагай
дилдин сирож,
Ҳамнишини аҳмақ ўлма,
ёнингга келганда қоч.
Дарди аҳмаққа Масиҳо бўлса
тобмайдур илож,
Эл ҳудойи деб пишурса
бермагайлар келса оч,
Вул ажаб: ҳар ҳафта
мўъминдин олур ҳинду ҳирож,
Дафнавозу лўли ва
қарсакчилар соҳиб ривож,
Они учун аввали келди ўрус,
охирда сож.

«Иллат айёми» деганда шоир нимани кўзда тутаётганлиги шарҳсиз ҳам маълум, албатта. «Тунбод фитналар» — совуқ елли шўриш содир бўлгандан сўнг ҳам ноумид бўлмаслик — дил чироғининг ўчмаслигига ишонч бу манзуманинг босқин воқеасидан анча сўнг, кўп мулоҳазалар, фикрни бир жойга кўйиб ёзилганлигини кўрсатади. 197 мисрадан иборат бўлган «Дариғ» радифли бу таркиббанд Ҳофиз Рўзибойнинг октябргача чоп этилган салмоқли ва ижтимоий қиммати жиҳатидан муҳим асари ҳисобланишга лойиқ.

Ҳофиз Рўзибой, айтишларича, вали киши бўлган. Умрининг охирги йилларида кўзи ожиз бўлиб қолган. Бир гурингда эшитганим бор, Охуидни муридларидан бири Қаршининг Кўк гумбаз масжиди жомъесига эшак — уловда олиб келиб, олиб қайтар экан. Бир кун муриднинг кўнглидан кечибдики, «қачонгача бу сўқирни етаклаб юраман». Эшакни масжид ҳовлиси сиртига боғлаб, Мулла Рўзибой муридини секин чақирибди-да, «бўтам, менинг бугун бу ерда юмушларим бор, сен изингга қайт», дебди. Турид анча зийрак экан. Охунд унинг йўлда кўнглидан кечган гапни сезганлигини билиб, оёқларига йиқилиб, тавбатазарру қилибди. Бу билан Ҳофиз Рўзибой келажакни каромат қила олган демоқчи эмасман. Бироқ унинг зукко ва ҳақиқатни айтишдан чўчимаганлигини алоҳида уқтирмоқчиман. Унинг Машраб тахаллусини олиши, иккинчи Машраб деб довруқ қозониши бежиз бўлмаган. Биргина шу тахаллуснинг ўзиёқ тўғригўйлик рамзи эканлигини айтиш ортиқча.

Кўзи ожиз кишилар «Қуръони карим»ни мукаммал эгаллагани бўлса, «қори», «ҳофиз» деб улуғланган. Ҳофиз Рўзибойнинг илк устози Мулло Ёрмуҳаммад ана шундай кишилардан бўлган. Афтидан, Ҳофиз Рўзибойга кейинроқ мураббийлик қилган кишилардан бири Шайх Сиддиқнинг ўғли Абдулраҳмон Маҳдум бўлса керак. Шайх Сиддиқ Самарқанднинг Даҳбедидан Қаршига кўчиб келган. Қишлоғида Мулло Ёрмуҳаммаддан таълим олган. Рўзибой Қарши мадрасасида Абдулраҳмон Маҳмуддан таҳсил олишда давом этган, дейиш мумкин.

Ўрусия босқини Туркистонни кишанлаб, халқни асоратга солди. Илмли кишилар, ислом руҳонийлари биринчи навбатда қириб ташланди. Шу муҳит ичида бўлган Ҳофиз Рўзибой буни шундай таъриф қилади:

Ҳасрат илан халқ машғул,
бало бўлди, дариғ,
Дийда бийноларга ворис
нобийнолар бўлди, дариғ,
Яхшилар хомуш ўлуб, анго
ризо бўлди, дариғ,
Порсолар кетти, мардум беҳаё
бўлди, дариғ,
Чун Сулаймон кетти, шуҳрат
тобти жин-девлар,
Билмаганлар тил чиқарди,
ўзни билган бўлди кар,
Гандалар бош бўлди, хўблар
тахтпо бўлди, дариғ.

Албатта, мустамлака халқларининг аҳволи фақат сиёсий, ёинки, иқтисодий томондан ночор бўлиб қолмасдан, маънавий жиҳатдан ҳам фожеага маҳкум эди. Мустамлакачилар келишн билан ичкиликбозлик, ғарлик, беҳаёлик, одамгарчиликнинг оёқ ости қилиниши авж олади. Энг ёмони, ўғрилик ва каззоблик сингари ноҳуш иллатлар пайдо бўлади.

Шоир замонанинг иллатларини бирин-кетин фош этади. «Тилда сўфи, дилда мўъмин бўлмаганларни», бойликка сажда қилиб «олим ва оминнинг катта бойга мурид» тушганлиги, аксича, «олими қашшоқнинг» мажлисдан жой топмаганлиги ўкиниш билан қаламга олинади. Дарвоқе, у келажакка умид билан қараган, даврининг шу аҳволдан чиқишига кўз тутган, ишонч билдирган:

Беша бешер ўлмагай, оламда
кўбдур авлиё,
Ғайрат этса бир нафасда
мени айлар кимиё,
Олам обод ўлмагай то
• бўлмаса марди худо.

Ҳозир бир нарса аниқки, Мулло Рўзибой Ҳофиз Машраби Соний-нинг бир ёқлама мистик шоир деб қоралашга ҳеч бир асос йўқ. Унинг ижодида реалистик талқин устивор туради. Шунингдек, диний мавзулар талқинида ҳам панд ва ибрат ғояси бўртиб ва қабариброқ кўринади. Қолаверса, Ҳофиз Рўзибой ижоди учун лирик талқин, инсоний ишқ-муҳаббат мавзуси ҳам бегона эмас. Баёзда шакл жиҳатидан диққатга молик, шўх ва ўйноқи бир шеър бор:

Чаманда хиром айласа ул пари,
Қилур жилва андоқки кабки
дари.
Юз остида гул баргидин чодири,
Боши узра қўйган қизил
махчири —
Гулнорлардур, гулюрлардур.

XIX аснинг иккинчи ярми — XX аср бошларида яшаб ижод қилган шоир Ҳофиз Рўзибой меросига адолатсиз ёндошиб келдик. Динга қилинган ҳуруж баҳонасида, аслида муаллифи аниқланмаган, аммо маърифий аҳамияти беқиёс бўлган «Мабдаи нур» туфайли унинг руҳига тавқи лаънатлар ўқилди. Ҳофиз Рўзибой ва яна ўнлаб бошқа шоирларимиз ижодини халққа етказиш вақти келди. Шунда адолат тикланади, шунда биз Ҳофиз Рўзибой айтмоқчи, талабгори ҳақиқат бўламиз, дилимизни ҳақиқат каъбасига бурган ҳисобланамиз. Йўқса, ўтган улуғ боболаримиз руҳи бизларни кечирмайди.

Поён РАВШАН,
адабиётшунослик номзоди.

• *Тожикистондан мактуб*

БИР УМР МИННАТДОРМИЗ

Ҳали ҳеч ким бўйинда занжир билан туғилмаган, кишан кийиб, ёруғ дунёга келган гўдак ҳақида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган. Шундай экан, ҳамманинг эркин, озод яшашга ҳаққи бор. Жумладан, ҳар бир халқ, ҳар бир юрт ҳам мустақил яшашга ҳақли. Худойим лойиқ кўриб Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари ҳам узоқ йиллик истибдоддан сўнг ниҳоят истиқлолга эришиб, эркин нафас ола бошладилар. Афсуски, энди мустақилликка эришиб, оғзимиз ошга етганда бизнинг Тожикистонда бемаъни уруш бошланиб кетди. Одамлар мустақилликнинг қадрига етиб, қўлни қўлга бериб яшаш, юрт равнақи йўлида курашиш ўрнига арзимаган баҳоналар билан бир-бирига қарши жанжаллашишга тушишди. Яқин-яқинларгача кўни-қўшни, дўст-қадрдон бўлиб яшаб келаётган кишилар «сен у ерликсан, сен бу ерликсан» қабилидаги бўлмағур гаплар ёдлашиб қолишди.

Беъмани уруш туфайли бизнинг туманимиздан ҳам не-не алп йигитлар умри хазон бўлди. Йигитларимизнинг қулоқларини кесиб, кўзларини ўйиб, қийнаб ўлдиришди. Одамлар киндик кони тўкилган уй-жойларини ташлаб, тинч бошпана излаб қолишди. Ана шундай қийин бир пайтда халқнинг ўзи оёққа турди. Энди қурол-яроғ топиб, ўз-ўзини ҳимоя қилмаса бўлмаслигини тушунди. Халқ бир қўзғалмасин, йўлида баланд тоғ учрайдими, оқар дарё учрайдими, ўтиб кетаверади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Халқимизнинг шижоати билан енгиб чиқдик. Тожикистонда осойишта ҳаётни ўрнатишга бизнинг регарлик йигитлар ҳам ўзларининг муносиб улушларини қўшишди.

Ҳаёт ўз изига тушаётган шу кунларда мен юракдан бир нарсани тилайман: фарзандларимиз яратганнинг ўзи берган умрни бола-чақалари билан бирга тинч, бой-бадавлат, биздан яхшироқ яшашсин. Кўпдан-кўп тилагим шуки, дунёдаги энг камбағал одам ҳам, гарчи у менинг ашаддий душманим бўлса ҳам бой бўлсин, яхши ҳаёт кечирсин. Орадан ҳасад, бахиллик йўқолсин. Ҳеч кимни бировга муте қилмасин. Дунёда инсоннинг инсонга қарамлигидан ёмон нарса йўқ.

Оддий одамларнинг истаги битта — тинч, осойишта яшаш. Вақтида айрим гиж-гижловчиларнинг найрангига алданган кишилар ҳам энди тинч ҳаётнинг қадрини тушуниб етдилар. Вақтида мухолифлар тарафида туриб тинчгина яшаётган одамлар ҳаётига хавф солган кишилар енгилганларидан сўнг туманимиздан кетиб қолишганди. Ўзлари билан бирга оилалари, бола-чақаларини ҳам олиб кетишганди. Биз — туман раҳбарлари улар вақтинча яшаётган ерларга бориб очиқчасига гаплашдик, уйларига қайтишларини сўрадик. Ҳозир уларнинг кўплари қайтиб келишди. Ниятимиз — олдингидай ака-ука, меҳр-оқибатли бўлиб яшаш.

Мен истиқлол байрамн баҳона ўзбекистонлик дўстларимиздан уннг қадрига етишнн сўрардим. Худойим, бизнинг бошимизга тушган кунларни асло сиз — азиз қўшниларга раво кўрмасин. Майли, вайрон бўлган уйларни бир илож қилиб эртами-кечми тузатиб оламиз, дастурхонлар ҳам тўкин бўлиб қолар, лекин жувонмарг кетган йигитларимизни бизга ким қайтариб беради? Уруш, айниқса, фуқаролар уруши нималигини фақатгина биз каби бошидан ўтказганлар яхши билади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг бирон бурчагида ҳам ўқ овози эшитилмасин, оналар фарзанд тобути устида йиғламасин, ҳеч ким туғилган маконини кўзда, дилда алам билан ташлаб кетмасин!..

Бизнинг туманимиз Сурхондарёнинг Сариосиё ва Узун районлари билан чегарадош. Биз азал-азалдан яхши қўшничилик қилиб келамиз. Тўй-сурларимиз бир, қиз олиб, қиз берамиз. Фуқаролар уруши кечган оғир дамларда ҳам сиз —, ўзбекистонлик дўстлар бизга ҳамдам бўлдингиз. Озиқ-овқатдан қийналган маҳалламиз нонийгизнинг ярмини бизга бердингиз. Маънавий мададингиз туфайли бизда ҳаётга меҳр кучайди. Биз Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Тожикистонда тинч ҳаётни ўрнатиш йўлида қилган ҳаракатларини ҳар лаҳзада ҳис қилиб турдик. Турсунзодаликлар ҳозир ўзларинн гўё иккинчи умр кечираётгандек ҳис қилишади. Бунинг учун жон қўшнимиз Ўзбекистон ва унинг Президентидан бир умрга миннатдор бўлишмоқда.

Туманимиздаги қайси бир одам билан гаплашманг, Ислом Каримов дунё тургунча турсин дея дуо фотиҳа қилишади. Бизнинг районимизда яшаётган аҳолининг деярли етмиш фоизи ўзбеклардир. Ҳозир мен қаерда бўлмайин, битта истак билдиришади: Ислом Каримов розилик билдирсалар, шаҳримизга, ҳеч бўлмаса, бирон катта хўжаликка, корхонага у кишининг номларини қўйсак, дейишади. Мен одамларимизнинг бу гапларини етказишни ўзимга қарз деб биламан.

Ибодулло БОЙМАТОВ,
Тожикистон жумҳурияти, Турсунзода шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси раиси.

Туркияда таҳсил олаётган 76 нафар наманганлик талабалар вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан Янгиқўрғон туманининг хушманзара Нанай қишлоғида жойлашган «Пахтачи» оромгоҳида дам олишиб, ҳордиқ чиқаришди. Эзги таътилга келган бу ёшлар бир қанча дам олиш масканларида ва «Нанай» жамоа хўжалигида бўлишиб, меҳнаткашлар ва ёшларга турк диёри ҳақидаги ўзларининг таассуротларини сўзлаб беришди. Шунингдек, улар Подшо ота, Нанай, Саночсой, Карвон қишлоқларининг табиати, тарихи билан танишдилар. Ўзбекистон халқ ҳофизлари Камолиддин Раҳимов, Ўринбой Нуралиевлар, вилоят ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати Бургутали Рапиғалиев ҳамда шаҳар ва туман раҳбарлари мазкур оромгоҳга келишиб, талабалар билан дилдан суҳбат қуришди. Мустақил юртимизнинг эртанги эгалари бўлмиш ёшлар бундай эътибордан бехад мамнун бўлишди.

СУРАТДА: Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, Наманган вилоят ёшлар туризм маркази директори Камолхон Жамолов талаба ёшлар билан.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ҲОНҚАДА—ТУРК МУЗЕЙИ

Истиқлолнинг муборак икки йиллиги арафасида Хоразм вилоятида яна бир турк лицейи очилди. Шундай қалдирғоч лицей ўтган йилн — мустақиллигимизнинг бир йиллиги тантаналари давом этаётган кезларда Урганч шаҳрида иш бошлаган эди. Янги лицей Хонқа туманидаги 35-мактаб негизида ташкил этилди. Вилоят ҳокимн М. Жуманнёзов шу хусусда махсус қарор қабул қилди. Лицей машғулотлари турк ва инглиз тилларида олиб борилади. Қардошлигимиз ришталари мустаҳкамланишига хизмат қиладнган мазкур илм даргоҳининг намунали моддий-ўқув базаси вужудга келтирилади.

Вилоятда турк тили билимдонлари ва мутахассисларига эҳтиёж катта. Воҳада иш бошлаган 10 га яқин турк-ўзбек қўшма корхоналари, сайёҳлик хизмати ташкилотлари учун малакали тилмоч, иш юритувчи ҳамда омилкор кишилар зарур. Янги лицей ана шу масалаларни ҳал этишга ёрдам беради.

С. АВДУЛЛАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

ЯНГИЛИКЛАР ✻ ФАКТЛАР ✻ ВОҚЕАЛАР

ОЛТИ ЕШЛИ... БОЙВАЧЧА?

ПОДШИВАЛОВ қишлоғимиз олти ёшли Илья Келмурзин ўзи тарбиялаётган боғчага 36 минг сўм ҳадя қилди.

БУ ПУЛНИ Илья ҳалол «ишлаб» топган. Гап шундаки, у 55 ёшли биринчи разрядли шоҳмотчи Владимир Сазонов билан матч ўтказди. Гарчи Илья беллашувда «амаки»сига ютқазиб қўйган бўлсада, мукофот учун тикилган пулнинг 40 фоизи унинг ҳалоли бўлди.

Боғча маъмурияти ҳадя пулга Ильяннг ўртоқларига ўйинчоқлар харид қилмоқчи.

СТАЛИН ЛЕНИНДАН ҚИММАТРОҚ

ЧЕХИЯНИНГ Добрушсе шаҳри бошқаруви биносини қайта таъмирлаётган қурувчилар тоталитар тузум тимсоли бўлмиш 25 дан зиёд топилмага дуч келдилар.

МАҲАЛЛИЙ музей баҳонада бойиб қолиш мақсадида бу топилмаларни кимошди савдосига қўйди. Хоридорлар Сталиннинг гипсдан ишланган бюстини энг юқори — 445 крон (15 доллар) баҳолашди. Бутун дунё пролетарлари отаси Ленининг бюстига эса бор-йўғи 22 крон беришди. Жаҳонга машҳур бўлиб келган қизил байроқлар эса, умуман хор бўлди — нархи бир кроннан ошмади.

ЁЛҒИЗЛИКНИ ЧИДАГАНГА ЧИҚАРГАН

КИМСАСИЗ тайгада якка-ёлғиз яшайдиган Агафья Ликовининг хатарли сигналини америка йўлдоши зумда қабул қилиб олди.

ТАРКИ дунёчи бу аёлни нима безовта қилди экан? Маълум бўлишича, бироз тоби қочиб, болалигидаёқ чиқиб кетган чап қўли шалвираб қолибди, қорнида анчайин кучли оғриқ пайдо бўлибди. Бунинг устига қандайдир айиқполвон унинг кулбасига тез-тез мўралашни одат қилибди.

Уямас, буямас — қарилик ўз ишини қила бошлагач, ёлғизлиги эсига тушиб, бечора аёлни ваҳима босган.

...ШАНБА ЕҒСА ҚАЧОН ТИНАР

ГАВАЙ архипелагидаги Кауаи ороли шунисн билан ажабтовурин, ернинг юзи қуримай ёмғир ёғаворади.

НАМЛИК шу даражадаки, бу ерда ўсадиган дарахтларнинг бўйи нари борса 20 сантиметрга етади. Аммо оролда ўсадиган гуммер номли ўтнинг йўғонлиги 2,4 метрга (!) етади. Сутэмизувчилар, судралувчи ва ўрмаловчилар, ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшай оладиган жониворлар йўқ. Бироқ, шундай йирик ҳашаротлар борки, улар ер шарининг бошқа ҳеч қаерида учрамайди.

АЙИҚ АЁЛНИ... РАҚСГА ТАКЛИФ ЭТДИ

ПЕРМ вилоятидаги Вижай қишлоғилик баш ёёл ўрмон сайрига чиқиб, фавқулодда айиқполвонга рўпара келишди.

ДОВЮРАК аёллардан бири қўли билан имлаб, ёш айиқни даврага таклиф этди. Айиқ буни ўзича тушунди шекилли, орқа оёқларига туриб, қўлларини кўтарганча, рақсга туша бошлади. Аёл ҳам дадиллашиб, рақсга қўшилди.

Аммо ғайри одатий жуфтнинг рақслари узоқ чўзилмади. Айиқнинг нсинн олган яқин қишлоқдаги итлар хуриши «раққос»ни чўчитиб юборди. Аёлларни ташлаб, уяси томон жуфтакни ростлади.

ИККИ ЕШЛИ БОЛА ЯПОНЧАНИ ҚАНДАЙ УРГАНДИ?

АМЕРИКАЛИК Дэйв ва Элла Каммингс бундан икки йил бурун ўғил кўргаиларида роса қувонишганди.

ЧАРЛЬЗ соғлом ўсиб улғайди. Икки ёшга тўлиб, тили чиқа бошлаганда эса, инглизчадан ташқари қандайдир тилда ҳам айрим сўзларни, ҳатто бутун жумлаларни гапира бошлади. Узоқ кузатувлардан сўнг маълум бўлишича, бола японча гапираётган экан. Қизиқ, ота-онаси билмаган тилни бола қандай ўрганди?

Тўғри, Дэй ва Элла бир пайтлар Японияда яшашган. Лекин бу тўққиз йил илгарн эди. Чарльз эса энди икки ёшга кирди. Бу жумбоққа ҳамон жавоб йўқ.

ҲАР КИМ ЎЗ ЮМУШИ БИЛАН...

СУД мажлиси давомида эълон қилинган танаффусдан судья ҳам, судланувчи ҳам ўзларича фойдаланишди.

ҚОЗОНДАГИ Важитовск тумани судьяси танаффус пайтида шахсий иши билан давлат автомобиль инспекциясига кетди. Судья ҳаёллаб кетгани боис тушликсиз қолган миршаблар мудрай бошлашди. Ёқимсиз жимжитликдан «зериккан» судланувчи ўз қўриқчиларини тинч қолдириб дала ҳовлисига йўл олди. Обдон қорнини тўйғизгач, ҳеч нарсани ташвишини қилмай, пинакка кетди. Бу ўзбошимчалиги гуноҳини оғирлаштирши мумкинлигини ҳам ўйлаб ўтирмади.

АЖАЛИ ЕТМАГАН БЎЛСА НАИЛОЖ

НИЖНЕКАМСК шаҳар фуқароси Х. ўз жонига қасд қилиб, баланд биноданўзини ташлади.

АЖАЛИ етмаса қирқ йиллик қирғиндан ҳам омон чиқар экан кнши. Акс ҳолда, Х.ни кир ёйиладиган арқон асраб қола олармиди. Қаранг, бақувват арқон катта тезликда тушаётган кишини тўхтатиб қолиб, пастки қаватдаги у айвонига отиб юборибди. Бахтли тасодиф сабаб омон қолган Х. учун уй эгасидан зинага ўтказиб юборишларини илтимос қилишдан ўзга чора қолмапти.

ЎЗИГА ЎЗИ ИСМ ҚЎЙДИ

ПЕРМЛИК икки ёшли бола ота-онасини ўзига бошқа исм қўйишга мажбур этди.

ҚИЗИҚ, боланнг Гриша деган дуппа-дуруст исми бор эди. Нимаси унга ёқмай қолди, ҳеч ким билмайди. Икки ёшга тўлиб тили чиққанда, аниқ-тиниқ қилиб айтган биринчи сўзи шу бўлди: «Мен — Вася». Ҳеч нарсани тушунолмай қолган ота-она Гришанинг исмини Вася дея қайта расмийлаштиришга мажбур бўлдилар.

ЭЧКИ... ҲАРИЛИГИНИ ТАН ОЛДИ

КИРОВ вилоятидаги Супротнавий қишлоғилик фуқаро Фёдор К. га эчкиси йўқолган соатини топиб берди. Аммо...

ЧУПОН подани уйга ҳайдаймаи деб турган пайтда соати йўқолганини пайқаб қолди. Ҳуноби ошиб ахтараётганда эчкиларидан бири уни эгасига «келтириб» берди. Афтидан, жонивор соатнинг чарм боғичини обдон чайнаб ҳаам қилгач, чиққиллаб турган механизмга тиш ўтмаслигини тушунган.

ФАКТЛАР

• Хотира

«ПАХТАКОР» жамоасининг ҳалокатга учрагани бугун ўн тўрт йил бўлди. Шоира Зулфия Мўминова «Пахтакор»нинг марҳум ўйинчилари ҳақида «Учиб кетди ўн етти оқкуш» — деб номланган бадиҳалар туркумини ёзиб тугатди. Бадиҳадан парча келтирилаётган ушбу саҳифамизни марҳум пахтакорчилар хотирасига бағишлаймиз.

«ОРЗУСИЗ ЯШАЙ ОЛМАЙМАН»

ЕКИ ЙИГИРМА ЙИЛДАН БЕРИ НОГИРОН БЎЛИБ ЁТГАН ПЕШКЎЛИК ШОИР МУҲАММАДЖОН ШАРОПОВ ҲАҚИДА

УЛАР ҳақида хаёлга толсам, акалари оқ қушга айланиб учиб кетган қиз ҳақидаги халқ эртаги ёдимга келаверади. Ўша эртакда қиз жодуланган акаларини ўз ҳолига келтириш учун қабристонда ўсадиган ўсимликлардан ип ясаб, кўйлак тикиши керак бўлади.

Мен ҳам оққуш бўлиб учиб кетган акаларимни ёд этиб, уларнинг қабрларига бордим, ғамгин сатрларимдан ип ясаб, шеърдан оқ кўйлаклар тикдим. Ёзишмаларим, учрашувларим, изланишларим давом этмоқда. Кўз ёш билан ёзган эртакларимни ўқинг! Ўқиганлар муродига етсин...

* * *

МИХАИЛ АН ўз ўлимини олдиндан сезганга ўхшарди. Бир куни рафиқаси Кларага, агар мен олисда ўлсам, мени ҳеч ким тополмаиди, — деган даб-дурустдан. Корейсларда оёқ кийими йўқолса, ёмон ирим ҳисобланади. Минскка кетгунга қадар Михаилнинг уйига ўғри тушди. Ўғри қўлига илинган нарсалар билан бир қаторда Михаилнинг яп-янги этигини ҳам олиб кетди. Ҳеч нарсага ачинмаса-да, Мария хола этикка жуда кўп қайғурди.

— Михаил тайёрада учишни ёмон кўрарди. Ўлимидан аввал ҳам у бир марта дам олишга учиб кетаётганида тайёра борган жойига қўнолмаган. Тошкент тайёрагоҳига қайтиб келган. Ҳалокатдан бир йил олдин Мария хола туш кўради. Тушида Михаил кичкина туйнукчага кириб кетаётган эмиш. Мария хола билан Кларага сизлар кетаверинглар, мен бошқа жойга боришим керак, дермиш. Не бўлса-да, Мария хола бошида қандайдир оғир ташвиш борлигини ҳис этса-да, уни зиҳор боласининг ҳаётига йўймасди.

* * *

Михаилнинг дўстларидан бири, ҳозир Грециядя яшаётган Лакис Хазипанакис Тошкентга келганда доим Михаилникида меҳмон бўларди. У ҳаётлигида Лакисга бир хатида шундай деб ёзган экан: «Дўстим Лакис, майдонда сенинг борлигингга жуда-жуда ўрганиб қолган эканман. Илгари тўпни дарвоза томон сурар эканман, албатта майдоннинг энг ишончли жойида сен турганингни ҳис этардим. Биз бирликда кучлимиз. Футболчи қаноти билан кучли. Унинг қаноти — жамоадошлари». Мишани ҳотирлар экан Лакис шундай эслайди: «Тошкентни эсласам, футбол ёдимга тушади. Футболни эсласам, Михаилни ёдлайман. Мен чет элда ёмон яшамайман. Аммо, Ўзбекистон бошқача эди. Тошкентда тўйларга борсанг ҳам, кўча ёки дўконга чиқсанг ҳам ҳамма қўлини кўксига қўйиб салом беради. Футболчи майдонда эмас, майдондан ташқарида ҳам эъзозланади. Чет элда бўлса сени майдонда, майсангдаги рақамингга қараб ҳурмат қилишади, холос. Михаил менга футболчи учун пул эмас, руҳий мадад зарурлигини кўп уқтирар эди». Лакис ҳозир футбол бўйича менеджер. Унга энг кўп мактуб йўллаган тошкентлик Михаил Ан бўлган экан.

У жамоанинг энг ниддатли моаларининг энг яхши 33 тўпурари сафидан ўрин олди. Олимпия терма жамоаси сафига асосий номзод эди.

Олим Аширов бир вақтлар ўқиган футбол интернатида унга дарс берганлар билан узоқ суҳбатлашдим. Суҳбат тугаб хайрлашаётганимда ёнимга бир киши келди. У — шу ерда ўттиз йилдан ортиқ футболчи болаларининг пойафзалини тикиб бераётган ҳеч ким бир-бирини тушунмаса керак. Норбуви опа ўйчан кўзларидаги ёшларини арта-арта гапира бошладилар:

— Олимжонни спорт мактабига ўзим олиб борганман. Отам бетоблиги, оиламиз серфарзандлиги туфайли ойига 9 сўмдан тўлайдиган бўлдик. Бошида шу эркатой укамдан яхши футболчи чиқишига ишонмаган эдим. У эса йилдан-йилга улғайиб, менга суянч тоғ бўлди. Бу тоққа шундай қаттиқ суянган эканман, у қулагач, бараварига мен ҳам қуладим, десам ишонаверинг. Укам орамизда йўқлигига ҳали ҳам ишонмайман. Авиаҳалокати ҳақидаги хабар етиб келганида уйимда, Тўйтепада эдим. Турмуш ўртоғим билан Бордонкўлга, онамнинг ҳовлисига етиб келсак, онам бечора ҳеч нарсадан хабарсиз, полизда куйманиб юрибдилар. Айтолмадим, кўришиб йиғлаб-йиғлаб: «Онажон, Олимжондан хавотирдаман, Тошкентга кетаяпман, — дедиму машинага ўтириб, ҳужумларга бошлаб борувчи, ҳаммага мададкор бўлгани учун олти йилдан кўп роқ вақт сардорлик қилди. 1976 йилда ёшлар терма жамоаси таркибида Европа чемпиони бўлди. Икки марта — 1974-78 йилларда мамлакатнинг энг яхши 33 тўпурар футболчиларидан бири деган фахрли номга сазовор бўлди.

Ўйинлардан сўнг мухлислар кийим алмаштириш хонаси олдида уни кутиб туришар, қулиб чиқиб келгач, багирларига босишар эдилар. Хаёл осмонида учиб кетаётган оққушларнинг сардори Михаил Ан олдий, камтар оиладан чиқиб, футбол ишқибозларига олам-олам қувонч бахш этиб кетди. Агар тирик бўлганида ўтган йили қирқ ёшини нишонлар эди. Афсус...

* * *

ОЛИМ АШИРОВ. У ўн етти ёшида «Пахтакор»нинг асосий таркибига қабул қилинди. Ғоятда бақувват бу ўйинчи 1976-77 йилларда қаторасига икки марта биринчи лига жамоаларининг энг яхши 33 тўпурари сафидан ўрин олди. Олимпия терма жамоаси сафига асосий номзод эди.

Олим Аширов бир вақтлар ўқиган футбол интернатида унга дарс берганлар билан узоқ суҳбатлашдим. Суҳбат тугаб хайрлашаётганимда ёнимга бир киши келди. У — шу ерда ўттиз йилдан ортиқ футболчи болаларининг пойафзалини тикиб бераётган ямоқдўз Эркин Орипов экан. Ҳатто шу энг оддий касб эгаси ҳам Олимжон ҳақида менга узоқ тўлқинланиб гапирди: «Олимжон ҳақида гап кетганда бу ерда ҳаммамиз: ошпазми, кир ювувчими, коровулми, жойинг жаннатда бўлгур Олимжон, деб гапирамиз, бу фақат унинг марҳум бўлгани ва марҳумлар ортидан ёмон гапириб бўлмаслиги учун эмас, уни яхши кўрганимиз учун, соғинганимиз учун шундай ҳасратлашамиз.

Баъзан кечагина футбол мактабига қабул қилинган бола, салом бермасдан пойафзалини тақ этказиб, олдимга кўйиб, братан, мана буни тикиб қўйинг, — деса, лоп этиб, кўз олдимга Олимжон келади. У ҳар доим қуюқ саломлашар, ҳол-аҳвол сўрар эди. Спорт мактабини битириб кетганда ҳам келиб турар эди. Дилкаш, самимий бу йигитнинг пойафзали ҳам кўзимга яхши кўринар эди».

Олим Ашировнинг опаси Норбуви опа менга ялаб бораётганимда ишда эканлар. Тезда ишларини тугатиб-ю, мен томон шошибдилар. Дарвозадан кириб келяптилар-у, кўз ёшларини тия олмайдилар. Ипхонадаёқ, мен Олимжон ҳақида суҳбатлашмоқчи бўлганимни эшитган эканлар. Мен унга рўбарў чиқдим. Гап-сўзсиз жимгина бир-биримизга қараб, йиғлаб турдик. Бу дунёда йиғлаётган одамларчалик ҳеч ким бир-бирини тушунмаса керак. Норбуви опа ўйчан кўзларидаги ёшларини арта-арта гапира бошладилар:

— Олимжонни спорт мактабига ўзим олиб борганман. Отам бетоблиги, оиламиз серфарзандлиги туфайли ойига 9 сўмдан тўлайдиган бўлдик. Бошида шу эркатой укамдан яхши футболчи чиқишига ишонмаган эдим. У эса йилдан-йилга улғайиб, менга суянч тоғ бўлди. Бу тоққа шундай қаттиқ суянган эканман, у қулагач, бараварига мен ҳам қуладим, десам ишонаверинг. Укам орамизда йўқлигига ҳали ҳам ишонмайман. Авиаҳалокати ҳақидаги хабар етиб келганида уйимда, Тўйтепада эдим. Турмуш ўртоғим билан Бордонкўлга, онамнинг ҳовлисига етиб келсак, онам бечора ҳеч нарсадан хабарсиз, полизда куйманиб юрибдилар. Айтолмадим, кўришиб йиғлаб-йиғлаб: «Онажон, Олимжондан хавотирдаман, Тошкентга кетаяпман, — дедиму машинага ўтириб, тайёрагоҳда дейман. У ерда мен бошимни уриб йиғламаган панжара қолдиминан?!

Орадан қирқ кунлар ўтгач, турмуш ўртоғим ва Шуҳрат Эшбўтаевнинг опаси Ҳафизалар билан тайёра қулаб тушган жой — Днепропетровскнинг Куриловский қишлоғи чеккасидаги буғдойзор ерга бордик. Назаримда, Олимжон шу ерларда юргандек, йиғлаган овозимни эшитса, етиб келадигандек туюлди. Одам ақлдан озса шундай бўлса керак. Нима қилаётганингни сезасану, аммо фироқ азобидан ўзингни тутолмайсан. Худди ўша ерларни тимдаласак, укаларимизга тегишли бирор нарса чиқадигандек, тош, кесакларни роса тимдалабмиз. Гоҳ болаларнинг туфлиси, гоҳ темир-терсак бўлаклари чиқади. Ўзимизга келиб бундоқ қарасак, бармоқларимиздан қон оқаяпти. Дод солиб йиғлаганимда бошимдан бир тутам сочимни юлиб олган эканман, уйга келиб ойнага қарасам, пешонамда ўрни оқариб турибди.

Ў, шамол, сен кенг буғдойзор ичра учиб юрган бир тутам сочни кўрдингми?! Кўрган бўлсанг билки, одамзот меҳр ва дийдор билан тирик, айрилиқ уни хароб қилади. Тирноқлар орасидан сизиб, докадан оқаётган қонлар айтсин, зирқираётган бармоқлар айтсин, оламдаги энг мудҳиш сўз жудоликдир.

Дўст-ёр бармоғим тилим кўрмагин,
Дардларга тўла дилим кўрмагин,
Неки бўлса кўргин ёруғ оламда,
Биз каби бемаҳал ўлим кўрмагин.

* * *

Шуҳрат ЭШБЎТАЕВ қисқа вақт ичида «Пахтакор» ўйинчилари ичида ўз ўрнини топган эди. У жамоадаги бўйи паст футболчилардан бўлиб, тезликда елдиримдек елар эди. Навоий шаҳрида Шуҳратжон ўқиган мактабда бўлганимда, унинг ўқитувчи бўлиб ишлаётган опасидан онаси ҳузурига олиб боришни сўраганимда у киши, Шуҳратнинг доғида онам ҳам ўтиб кетдилар, деб шундай хотирладилар.

Ҳалокат бўлишидан бир кун аввал онам туш кўрибдилар, жуда ёмон туш бўлгани учун ранглари оқариб, ҳеч нарса емай-ичмай дарвоза олдига чиқиб ўтирадиган бўлдилар. Эртаси куни шу воқеа хабарини олган шаҳар раҳбарлари онамнинг олдиларига келиб, айта олмай у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, «Холажон, Шуҳрат учган тайёра ҳалокатга учрабди, сиз хавотир бўлманг, ҳали ким ярадор, ким бор-йўқлиги номаълум» — дейишса, онам чўк тушиб ўтириб қолибдилар-у, «Ўлим болагинамни мендан тушимда тортиб олувди, омин денглар, мусулмонлар, жойи жаннатда бўлсин», — дебдилар. Онамнинг бунчалар кучли эканлигидан ҳайратда қолган раҳбарлар ҳам омин қилишибди. Онам шу куйи ўша кеча нима туш кўрганини ҳеч кимга айтмай оламдан ўтиб кетдилар. Уларнинг айтган сўнгги гапи шу бўлди: «бандаи мўъмин бу ёмон тушни эшитмасин ҳам, кўрмасин ҳам, биродарлар».

* * *

ОРАДАН ўн тўрт йил ўтди. Марҳум футболчи Шуҳрат Эшбўтаевнинг раҳматли онаси айтган бу гапларини биз ҳам такрорлаймиз — ҳеч ким эшитмасин, кўрмасин ҳам.

Улар ўн етти йигит эди: Олим Аширов, Михаил Ан, Владимир Фёдоров, Идғай Тазетдинов, Константин Баканов, Александр Корченов, Сергей Покатилов, Владимир Макаров, Николай Куликов, Равиль Агишев, Шуҳрат Эшбўтаев, Владимир Собиров, Виктор Чуркин, Юрий Загумеиних, Сирожиддин Бозоров, Мансур Толибжонов, Владимир Чумаков.

Ўн етти тилаб-тилаб олинган ўғлон. Ўн етти ярадор юракнинг парчаси. Баҳор чоғи бошингиз узра учиб кетаётган оққушларга қўл силтаб қолинг, улар ўша йигитларнинг қанотли руҳидир. Мен уларни ёд этиб, ўн еттита бадиҳа ёздим. Бу ёзмаларим менинг ғамгин эртакларимдир. Мунгли ёзмаларимни ўқинг. Ўқиганлар муродига етсин.

Зулфия МЎМИНОВА.

Марҳум «Пахтакор» жамоаси аъзоларининг ичида Сирожиддин Бозорованинг сурати йўқлиги учун таҳририятимиз муштарийларидан узр сўрайди.

Унинг ҳикоясини тинглаяпману кўнглим йиғлайди, хаёлларим эса бетизгин учади. Мана, совуқ шамолларнинг увиллаши сусайиб бормоқда. Ҳаводаги оппоқ туманлар тиниқлашиб, бойчечакларнинг ҳидларини туяман. У тупроқни бошига кўтариб буюк элга, элатга салом бермоқда. Ҳатто, музлари эриб шарқираб оқаётган анҳорларга имо қилади. Шу пайтда жунжикиб яшаган қушчаларнинг қаноти ёйилиб, хонаҳаридан ҳаёт васфи, баҳор таронаси эшитилади. Демак, ҳар қанча зўр қаҳратон ортидан ҳам бир кун баҳор келади, Муҳамаджон ака. Ўзингиз «Соғиниб қолган эдик» номли шеърингизда ёзганингиздек:

Мард эдим юз-кўзидан шодлик бўлиб ўпдинг, баҳор,
Соғиниб қолган эдик, ҳар дилга завқ эндинг, баҳор.
Ҳар юрагда яшнатиб қийғос меҳр гулгунчасин,
Меҳнат аҳлига бериб, ноёб сабоқ ўтдинг баҳор.

Сиз ана шу мисраларни ўқир экансиз, кўзингизда дарду аламга қоврулган ёшларни, умид ва армонларни кўрдим. Сиз ҳам пахта яккаҳокимлиги тиғига учрадингиз. У белингизни (умуртқангиз) синдирди. Ўшанда 16 ёшли йигитча эдингиз. Дўстингиз Рустам билан бирга ғўза қатор орасида ухлаб қолиб, болалик тушларингизни кўриб ётганингизда, устиларингиздан культивация қилаётган трактор ўтиб кетди. Синфдошингиз Рустамжон дунёдан ўтди, сиз эса бир умрга мажруҳ бўлиб қолдингиз. Ана шу кулфат бошингизга тушмасдан олдинроқ ёзган шеърингизга эътибор беринг. Унда ўзингизни қандайдир хатар кутаётганини башорат қилгансиз:

Дилга жо айла, бу нурлар бир ғаниматдир,
Муҳаммад, дўстларингдан жудо бўларсан,
Бошингга тушиб, мусибат бир вақт,

Бундай мусибат бир сизнинг эмас, кўплаб меҳнаткашларимиз бошига тушгани ҳам сир эмас. Муҳаммаджон ака, балки шу боисдан ушбу шеърингиз дунёга келгандир:

Тушимга кирар кўп бева-бечора,
Ўзимдак юпун-у, ўзимдек хокисор...
Уларда на бойлик, на мансаб йўқдир,
Кўзларида фақат даҳшатли мунг бор.
Гўё боларсан эй она — халқим,
Таъма истаб, ё раб, сени «сўйдиларі».
Миннат-ла бир сиқим шакар беришиб,
Сўнгра асалингни олиб қўйдилар.
Наҳот, биз алдансак яна боладай,
«Катта оға»ларнинг «хўрозқанд»ига.
Ё, ғорга кирсагу, қайтиб чиқолмай,
Ие бўлур айлансак асрий бандига!
Озодлик туғини кўтариб мағрур,
Омонат кўприкдан ўтдинг, хайрият!
Соғинч йўлларида санинг изинг бор,
Худога хуш ёқди сен қилган ниятни.

Ҳа, сиз қанчадан-қанча азоблларга бардош бериб, умид кўртакларидан ниго-ҳингизни узмай, истиқлолни кўриш ва куйлаш бахтига муяссар бўлдингиз. Қайсики:

«Она!» деб дунёни қучоқлаб олдинг,
Урушдан ярадор қайтган ўғлонсан.
Ўзингга энг ғўзал кошона тикла,
Сен ахир, бунёдкор — аҳли Туронсан! —

дея ҳайқирганингиз бунга ёрқин далил эмасми? Ушбу кунни кўриш учун саккиз маротаба жарроҳ тиғи остига ётганингиз қайси жаросатдан кам? Ленинградлик дўхтирлар, энди ундан умид йўқ, деганида ҳам руҳан тушмадингиз. Ҳамюртимиз, медицина фанлари номзоди Раҳим Еқубовнинг қилган операцияси уларнинг гаплари нотўғри эканини кўрсатди. Сиз яшаяпсиз, қолаверса, «Ишқли умрим» деган шеърий китобингиз дунёга келди. Ана шу китобчадан Раҳим акага битта совға қилганингизда, у шодлигидан йиғлаб юборганн ҳақида гапирдингиз. Бунинг маъносини ҳар ким ҳам тушунавермайди.

Эй, шеърият, дард-азобдан асра мени!
Оғир мусибат — гирдобдан асра мени!
Ҳаёт гўё китоб-ғаму шодлиги кўп,
Бевақт ўлим келар бобдан асра мени!

Ҳа, тонг уйғониб, қўлга қалам олар экансиз, ҳаётда нима учун яшаётганингизни ҳис қиласиз. Умид чироқларингиз тобора ярқираб ёнаверади. Демак, умр беҳуда ўтмаяпти.

Умрингизнинг янада сермазмун бўлишида турмуш ўртоғингиз Лола Бадаловнинг ҳам хизматлари катта. Ногирон демай, ярим жон демай сизни ўзига ёр қилиб танлади. Ота-онаси рози бўлмаса-да, савоб ишга умрини тикди. Ўйлаймизки, бу оқила аёлни падари бузрукворн ҳамда волидан муҳтарамаси тушуниб, бир кун кечирар. Лолаларнинг ҳам бирдан-бир нияти шу экан. Биз ҳам улардан қизингизни кечиринг, меҳрибонлар, дея илтимос қиламиз.

Жамоатчилик ҳам Муҳамаджон акани ташлаб қўйгани йўқ. Пешқў туман ҳокимлиги шоирга марказдан уй берди. Илтимоснга биноан, синглисини ҳам ёнидан уй-жой билан таъминлашди. Ҳар ҳолда бир-бирининг ҳол-аҳволидан хабар олиб туришади. Пешқў район ҳокими Наис Кенжаев яқинда шонрнинг яна бир китобини босмадан чиқаришга ҳомийлик қилишни билдирди. Муҳаммаджон ака ногиронлик аравачаси ҳамда «Запорожец» енгил автомашинасига эга. Рулда турмуш ўртоғи Лолахон ўлтириб, уни керакли жойларга олиб бориб келади.

Яқинда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи қўмитаси шоир Муҳаммаджон Шароповни «Ёшларимизни маънавий дунёсини бойитишдаги хизматлари учун» фахрий ёрлиқ билан тақдирлабди. Ҳақиқатан ҳам, у кишининг жасорати, бардоши, ватан учун куйиб-ёниши бизга ўрнак бўлса арзийди. Биз ҳам ўз навбатида шоир ижодига барқамоллик, умрига барака тилаймиз. Ўзи айтганидай, ҳайқириб яшасин ёруғ дунёда!

Маннон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• Спорт.. Спорт.. Спорт.

«ФУТБОЛЧИНИНГ ҲАМ ЎЗ ДАВРИ БЎЛАДИ»

СОБИҚ пахтакорчи Андрей Пятницкий узоқ фикрмулоҳазалардан сўнг биринчи марта Россия терма жамоаси сафида Франция билан бўлган ўртоқлик учрашувида майдонга чиқди. Андрей бундай қарорга келишининг сабабини қуйидагича изоҳлади:

— Ўзбекистон менинг Ватаним. Ватаним шарафини ҳимоя қилиш мен учун олий шараф. Лекин ҳар қандай спортчининг ҳам маълум даврда маҳорати ўсилган пайт бўлади. Агар Ўзбекистон иштирок этадиган 1998 йилги жаҳон чемпионатини кутадиган бўлсам кўп нарса ютқазаман. Москвада ҳам вақтичча тўп суряпман. Ҳозирча «Борусия», «Барселона», «Реал» «Аякс», «Лацио» жамоаларидан таклиф тушган. Яқин келажакда шу жамоаларнинг бири билан шартнома тузсам керак. Отам ҳам, онам ҳам Тошкентда. Демакки, Москвадаги квартирам ҳам ҳеч кимга керак бўлмай қолади...

ИККИНЧИ ДАВРАГА ҲОЗИРЛАНИШЯПТИ

ОЛИЙ табақа жамоалари иккинчи давра ўйинларига жиддий тайёрланмоқда. Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси Қибрайда МҲСК билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Учрашувда пахтакорчилар 4:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Тўпларни Миржалол Қосимов (2), Шуҳрат Мақсудов ва Нўъмон Ҳасанов киритди.

ЯНА БИТТА МАРАДОНА

ФУТБОЛ «юлдузи» Диего Марадонанинг келгуси тақдири қандай кечади? Ана шу савол бугунги кунда бутун дунё футбол мухлисларининг диққат марказида турибди. Испаниянинг «Севилья» жамоаси Диегонинг хизматларидан бош тортганлиги. Япония футбол жамоалари эса унга жуда катта миқдорда пул ваъда қилаётганлигини аввал хабар қилган эдик. Шундай бўлишига қарамай, Марадона ўз юртига қайтиши афзал билди.

У бирор жамоа билан шартнома тузиш илинжида Аргентинада юрган бир пайтда АҚШнинг «Форт Лоудердэйл Страйкерз» жамоаси таркибида Марадона майдонга чиқади, деган хабар тарқалди. Аслида эса бу Марадонанинг исми Лало бўлиб у Диегонинг туғишган укаси эди. Лало Марадона 26 ёшда, ярим ҳимоячи. Шу пайтгача Испаниянинг «Реал» (Батис), Венесуэланинг «Маритимо», Аргентинанинг «Бока Хуниорс» жамоалари сафида ўйнаган. Шуниси қизиқки ака- ука ўз футбол ҳаётини мана шу «Бока Хуниорс»да бошлаган эди. Қани кўрамиз, Лало келажакда қандай йўлдан борар экан.

«НЕФТЧИ» САФАРДАН ҚАЙТДИ

БУПИЛГИ мавсумда голиблик учун асосий даъвогар саналаётган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси Малайзия сафаридан қайтиб келди. Футболчиларимиз у ерда иккита ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Мамлакатнинг энг кучли жамоаларидан бири билан бўлган беллашувда вакилларимиз 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Тўпларни А. Тихонов ва Р. Дўрмонов киритишди.

Мамлакат миллий чемпионатининг иккинчи двизонида қатнашаётган жамоа билан бўлган учрашувда ҳам дастлаб фарғоналиклар ҳисобда олдинда боришаётган эди. Лекин ўйин охирига бориб мезбонлар А. Тихонов киритган голга тўпга жавоб қайтаришлар. Учрашув дуранг билан тугади.

ҲАЛОКАТ ҲАЛАҚИТ БЕРМАДИ

ХУДДИ бизнинг «Пахтакор» жамоасидек Замбия терма жамоаси яқинда авиаҳалокатга учраган эди. Терма жамоани қайта тузиб, ўйин кўрсатиш даражасини олдинги мавқеига кўтариш учун узоқ вақт кетмади. Кеча янги тузилган бу жамоа ҳал қилувчи баҳсда Зимбабве терма жамоаси билан дуранг (1:1) ўйнаб, Африка қитъаси кубогининг финалида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Р. ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• Спорт... Спорт... Спорт,

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО
● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эрким ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ, (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев, навбатчи — Б. Норбоев.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г—496. 96096 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди 21.00.
Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6